

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

**IV КУРС КУНДУЗГИ БЎЛИМ БИТИРУВЧИСИ
РАХМАТОВА САОДАТНИНГ**

**«Абдурауф Фитратнинг фольклоршуносликка оид қарашлари»
МАВЗУИДАГИ**

*5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек адабиёти) йўналишида
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзган*

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

(2011-2012 ўқув йили)

Илмий раҳбар:

**филология фанлари доктори,
профессор Д.ЎРАЕВА**

БУХОРО – 2012
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

IV КУРС КУНДУЗГИ БЎЛИМ БИТИРУВЧИСИ
РАХМАТОВА САОДАТНИНГ

«Абдурауф Фитратнинг фольклоршуносликка оид қарашлари»
МАВЗУИДАГИ

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек адабиёти) йўналишида
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

(2011-2012 ўқув йили)

Илмий раҳбар:

филология фанлари доктори,
профессор Д.ЎРАЕВА

Расмий ҳакам:

филология фанлари номзоди,
доцент Д.ҚУВВАТОВА

БУХОРО – 2012

Маъқуллайман ____
Илмий раҳбар: ф.ф.д,
профессор Д.Ўраева

Тасдиқлайман_____
Ўзбек филологияси
кафедраси мудири
Қ.Р.Тўхсанов

« ____ » _____ 2012 йил

« ____ » _____, 2012 йил

БухДУ ўзбек филологияси факультети битирувчиси Рахматова
Саодатнинг «**Абдурауф Фитратнинг фольклоршуносликка оид қарашлари**» мавзуидаги малакавий битирув иши устида олиб бориши
лозим бўлган ишлар юзасидан

ТОПШИРИҚЛАР ЖАДВАЛИ

	ИШНИНГ МАЗМУНИ	БАЖАРИЛИШ МУДДАТИ	НАТИЖА
1.	Малакавий битирув иши мавзуини кафедра ва факультет кенгашида тасдиқлатиб олиш ва режаларини расмийлаштириш		ижро этилди
2.	Мавзу бўйича зарурий илмий-усулий материалларни ўрганиш		ижро этилди
3.	Мавзу бўйича илмий манбаларни ўрганиш. Адабиётлар устида ишлаш.		ижро этилди
4.	Тўпланган материалларни системалаштириш		ижро этилди
5.	Малакавий битирув ишининг 1-бобини тайёрлаш		ижро этилди
6.	Малакавий битирув ишининг 2-3-бобларини тайёрлаш ва хулосалаш		ижро этилди
7.	Ишни якунлаш, таҳрир этиш ва оққа кўчириш		ижро этилди
8.	Малакавий битирув ишининг бориши тўғрисида кафедрага ҳисобот бериш		ижро этилди
9.	Ишни илмий раҳбар тақризи билан кафедрага топшириш		ижро этилди
10.	Дастлабки ҳимоя жараёнида қатнашиш		ижро этилди

Битирувчи курс талабаси

С.Рахматова

Илмий раҳбар

ф.ф.д, профессор Д.Ўраева

**Бухоро Давлат университети ўзбек филологияси факультети
ўзбек филологияси кафедрасининг 1-йиғилиши баённомасидан**

КЎЧИРМА

Бухоро шаҳри

2011 йил 26 август

Қатнашдилар: кафедранинг барча
аъзолари ва битирувчи курс талабалари

КУН ТАРТИБИ

2011-2012 ўқув йили учун мўлжалланган малакавий битирув ишлари мавзулари тасдиқи.

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан кафедра мудири Д.Йўлдошева қисқача ҳисобот берди ва янги ўқув йили учун мўлжалланган малакавий битирув ишлари мавзулари рўйхати тузилганлигини, мавзуларнинг долзарблигини, такрорланмаганлигини кафедрада тузилган махсус комиссия текшириб чиққанлигини қайд этди. Шундан кейин малакавий битирув ишлари мавзулари рўйхати йиғилиш котибаси томонидан ўқиб берилди.

Малакавий битирув ишлари мавзуларини тасдиқлаш таклифини йиғилганлар қўллаб қувватладилар.

Ўзбек филологияси кафедраси йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Битирувчи курс талабаси Рахматова Саодатнинг малакавий битирув иши мавзуи **«Абдурауф Фитратнинг фольклоршуносликка оид қарашлари»** этиб тасдиқлансин.

2. Битирувчи курс талабаси Рахматова Саодатнинг малакавий битирув ишига ф.ф.д, профессор Д.Ўраева илмий раҳбар этиб тайинлансин.

Йиғилиш раиси

Д.Йўлдошева

Йиғилиш котибаси

Г.Самандарова

**Бухоро Давлат университети ўзбек филологияси факультети
ўзбек филологияси кафедрасининг 10-йиғилиши баённомасидан**

КЎЧИРМА

Бухоро шаҳри

2012 йил 4 май

Қатнашдилар: кафедранинг барча
аъзолари ва битирувчи курс талабалари

КУН ТАРТИБИ

**2011-2012 ўқув йили учун мўлжалланган малакавий битирув
ишларини ҳимояга тавсия этиш.**

Йиғилишда 4-курс талабаси Рахматова Саодатнинг ф.фанлари доктори, профессор Д.Ўраева илмий раҳбарлигида бажарган **«Абдурауф Фитратнинг фольклоршуносликка оид қарашлари»** мавзуидаги малакавий битирув ишининг яқунланганлиги тўғрисидаги ахбороти ва илмий раҳбар хулосаси тингланди.

Иш яқунланганлигини ҳисобга олиб, ўзбек филологияси кафедраси йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 4-курс талабаси Рахматова Саодатнинг ф.фанлари доктори, профессор Д.Ўраева илмий раҳбарлигида бажарган **«Абдурауф Фитратнинг фольклоршуносликка оид қарашлари»** мавзуидаги малакавий битирув иши расмий ҳимояга тавсия этилсин.
2. Битирувчи курс талабаси Рахматова Саодатнинг малакавий битирув ишига ф. ф. н., доцент Д.Қувватова расмий ҳакам этиб тайинлансин.

Йиғилиш раиси

Қ. Тўхсанов

Йиғилиш котибаси

Г.Самандарова

Режа:

Кириш:

- мавзунинг долзарблиги ва ўрганилиш даражаси;
- тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари;
- ишнинг илмий янгилиги, илмий фарази, назарий ҳамда амалий аҳамияти;
- ишнинг методологияси ва методи, манбалари;
- тадқиқотнинг синовдан ўтиши, жорийланиши ва тузилиши.

I БОБ. АБДУРАУФ ФИТРАТ – СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

I.1. Фитрат ижодий изланишларининг серқирраллиги

I.1. Фитратнинг халқ оғзаки ижоди хусусиятлари тўғрисидаги қарашлари

II БОБ. ФИТРАТНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ЖАНРЛАР ТАРКИБИГА ОИД КУЗАТИШЛАРИ

II.1. Фитрат халқ қўшиқлари (ашула, лапар) ҳақида

II.2. Фитрат эртак ва дostonлар ҳақида

II.3. Фитратнинг паремик жанрлар (мақол, топишмоқ) тўғрисидаги қарашлари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Фольклор асарлари ҳозирги ёш авлодга илдизи узок замонларга бориб тақаладиган маданиятимизни, бадий ижод анъаналаримизни, элу юртимиз озодлиги ва эрки йўлида олиб борган курашларимизни билиб олиш баробарида ватанпарварлик ва бунёдкорлик туйғуси аجدодларимизга мерос эканини тўла ҳис қилишларига ёрдам беради. Шу орқали ёшлар ўз юртида абадий эканини, ўзига хос муқаддас тарихи ва бетакрор анъаналари, миллий қадриятлари борлигини англайди. Шунининг илоҳида олиб, жуда қадимдан олиму шоирлар эл адабиёти намуналарини алоҳида тўплаб ўрганишга аҳамият қаратиб келишган. Ҳатто кўпгина ижодкорлар яратётган асарларининг халқ кўнглига тез етиб боришини кўзлаб, фольклор асарларига хос содда ифода шакли ва услубдан, анъанавий эпик образ ва мотивлардан, ўйноқи ва сержило оҳангдан фойдаланиб, бетакрор фольклоризмларни яратишган.

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакили, адабиётшунос олим, зуллисонайн шоир, носир ва драматург, ношир Абдурауф Фитрат эса айтилган ана шу икки жиҳатни ўз фаолиятида қўшиб олиб борганлиги билан эътиборни тортади.

Фитратда фольклорга ҳавас болалигиданоқ онасининг эл ичида машҳур кўшиқларни куйлаб бериши таъсирида уйғонди ва бу ҳавас унга умр бўйи ҳамроҳлик қилди. Фитрат, аввало, “эл адабиёти”га катта эътибор қаратиб, унинг табиати, жанрий тизими ва таркиби тўғрисида қимматли назарий қарашларни илгари сурди. Унинг бу борадаги қарашлари эса алоҳида эътиборни тортади. Айниқса, олимнинг фольклор асарларининг ёзма асарлардан фарқи, фольклорга хос специфик белгилар, ўзбек халқ кўшиқ жанри табиати хусусида билдирган мулоҳазалари, фольклорнинг турли жанрларига муносабати ҳозиргача ўз илмий қимматини сақлаб келаётир.

Шунингдек, Фитратнинг фольклорга дахлдор билими у яратган бадиий асарлар мисолида янада равшанлашади. Ижодкорнинг шеърларида, насрий ва драматик асарларида учрайдиган фольклоризмлар ўзига хос бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Фитрат ўз даврида халқ ижодиётининг чуқур билимдонларидан бири сифатида унинг ҳормас-толмас тарғиботчисига айланди. У тузган “Ўзбек адабиёти намуналари” (1928) хрестоматиясида биринчи марта эл адабиётидан намуналар келтирилган. Бироқ ҳозиргача ўзбек адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида Фитратнинг бу хизматлари махсус тадқиқ қилиниб, ўз ҳолис баҳосини олган эмас. Ҳолбуки, Фитратнинг ўзбек фольклори билимдони, тарғиботчиси ва тадқиқотчиси сифатидаги серқирра фаолиятини, унинг бадиий ижодидаги фольклоризмларни алоҳида ўрганиш зарур. Чунки бу масала, аввало, фольклоризмлардан фойдаланиш бадиий адабиёт тараққиётининг XX аср бошлари даврида қандай кечганлигини, унинг бу тадрижий босқичига хос хусусиятларни, қолаверса, Фитратнинг шеърда, насрда ва драматургияда фольклоризмлардан фойдаланишдаги услуб ва маҳоратини махсус билиб олишга ёрдам бериши жиҳатидан жуда муҳимдир. Ана шу масалаларнинг муайян бир тадқиқот доирасида яхлит ўрганилаётганлиги битирув малакавий ишимиз мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Абдурауф Фитратнинг ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги, драматургиядаги маҳорати, ижтимоий-ҳуқуқий, педагогик қарашлари, тилшунослик меросини ўрганиш соҳасида қатор салмоқли докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланган, илмий-адабий ва ижтимоий фаолиятини ўрганишда ватанимиз сарҳадларидан ташқариларда ҳам бирмунча тадқиқотлар яратилган. Лекин ҳар тўқисда бир кемтиклик бор деганларидек, шулар қаторида Фитратнинг фольклоршунослик фаолияти ҳамда фольклордан ўз ижодида бадиий-эстетик мақсадда фойдаланиш маҳорати, асарларидаги фольклоризмлар табиати ва вазифаларини ўрганишга қаратилган тадқиқот етишмайди. Тўғри,

фитратшунослар Ҳ.Болтабоевнинг “XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси”,¹ Ш.Турдиевнинг “Фитрат ва фольклор”,² И.Ғаниевнинг “Фитрат драмалари поэтикаси”,³ У.Жўракуловнинг “Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати”,⁴ Н.Давурбоевнинг “Фитрат драмаларида миллий озошлик ғоясининг талқини”,⁵ тилшунос Ё.Саидовнинг “Фитрат бадиий асарлари лексикаси”⁶ сингари тадқиқотларида мазкур масалага алоқадор айрим фикр-мулоҳазалар учрайди. Шунингдек, яна О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, Н.Каримов, О.Сафаров, О.Ҳамроева ва бошқа олимларнинг асар ва мақолаларида ҳам бу ҳақда баъзи мулоҳазалар билдириб ўтилгани кузатилади.

Ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмидаги қайта қуриш ва Ўзбекистонда миллий истиқлолнинг ғалабаси туфайли Фитрат ижодиётини тадқиқ қилиш, асарларини алоҳида-алоҳида ўрганиш, қайта баҳолаш ва умумидабий жараёндаги қимматини белгилаш ҳаракати бирмунча жонланди. Шу муносабат билан устозимиз Илҳом Ғаниевнинг Фитрат ижодий меросини ўрганишга бағишлаган “Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати”, “Фитрат. Ўйиқод. Ижод” ва “Фитрат ва фитратшунослик” номидаги уч монографиясининг босилиб чиқиши⁷ ана шундай жонли ҳаракатнинг нишонаси бўлди.

Умуман айтганда, Фитратнинг фольклорга муносабатини ва у ҳақдаги қарашларини алоҳида ўрганишга тўғри келади.

Битирув малакавий ишининг мақсади Абдурауф Фитратнинг фольклорга оид қарашларини ва эстетик муносабатини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

¹ Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1996.

² Турдиев Ш. Фитрат ва фольклор // Гулистон, .

³ Ғаниев И.М. Фитрат драмалари поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1998.

⁴ Жўракулов У. Ҳ. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. (Ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотлари мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1998.

⁵ Давурбоева Н.А. Фитрат драмаларида миллий озошлик ғоясининг талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 1999.

⁶ Саидов Ё.С. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2001.

⁷ Ғаниев И.М. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. – Т.: ҒАҲН, 1994; Фитрат. Ўйиқод. Ижод. – Т.: Камалак, 1994; Фитрат ва фитратшунослик. – Т.: Фан, 2005.

- Фитратнинг “эл адабиёти”, яъни ўзбек фольклори, табиати, ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг жанрий тизими ва таркиби ҳақида билдирган илмий қарашларини ўрганиш;

- Фитратнинг халқ қўшиқлари ҳақидаги қарашлари билан танишиш;

- Фитратнинг ўзбек фольклоридаги паремик жанрларга муносабатини ўрганиш;

- Фитратнинг халқ ижоди анъаналаридан ўз ижодида фойдаланиш маҳоратини аниқлаш;

- Фитратнинг халқ ижодиёти тўпловчиси сифатидаги фаолиятини кўрсатиб бериш ва ҳ.к.

Битирув малакавий ишининг объекти. Тадқиқот объекти сифатида Абдурауф Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” қўлланмаси ҳамда унинг кўп томлик танланган асарлар тўпламлари олинди.

Битирув малакавий ишининг предмети. Абдурауф Фитратнинг фольклор хусусиятлари ва жанрлар таркиби тўғрисидаги қарашларини ва унинг бадиий ижодида фольклор анъаналаридан фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш тадқиқот ишининг предметиدير.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги, биринчидан, унда илк бор Абдурауф Фитратнинг фольклор хусусиятлари ва жанрлари ҳақидаги қарашлари алоҳида махсус тадқиқ қилинаётганлиги билан белгиланади. **Иккинчидан,** ишда биринчи илк марта Фитратнинг фольклор анъаналаридан ўз асарларида фойдаланиш маҳорати ўрганилмоқда. **Учинчидан,** Фитрат бадиий ижодидаги Фитратнинг халқ ижодиёти тўпловчиси ва тадқиқотчиси сифатидаги фаолияти баҳоланмоқда.

Битирув малакавий ишининг методологияси ва методлари. Президент И.А.Каримовнинг тарихий хотирани ва маънавий қадриятларни тиклашга доир асарлари ушбу ишнинг методологик асосини ташкил этади.

Фитратнинг фольклор хусусиятлари ва жанрлари ҳақидаги қарашларини ҳамда унинг асарларидаги фольклоризмлар табиатини ва поэтик вазифаларини тадқиқ этишда Ҳ.Зарифов, Н.Маллаев, Т.Мирзаев,

О.Собиров, Ғ.Жалолов, Б.Саримсоқов, О.Носиров, Ғ.Мўминов, О.Сафаров, Н.Каримов, Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев, М.Ҳакимов, И.Ёрматов, М.Жўраев, А.Мусақулов, И.Ғаниев, Д.Ўраева, Л.Шарипова каби филолог олимларнинг илмий ишларига таянилди.

Ишда қиёсий-тарихий, типологик ва таҳлилий методлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу ишнинг асосий таҳлилий хулосалари ва умумлашмалари нафақат А.Фитратнинг ўзбек фольклори жанрлари табиати хусусидаги қарашларини ўрганишда, балки унинг ва у билан замондош ижодкорларнинг халқ ижоди анъаналарига муносабатини қиёсий тадқиқ қилишда ўзига хос назарий аҳамият касб этади.

Ишда келтирилган далиллар, назарий фикр-мулоҳазалардан олий ўқув юртларида, академик лицей ва коллежларда, ўрта мактабларда адабиёт ва фольклор фанлари бўйича махсус курслар ўтишда ёки дарс машғулотлари олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг синовдан ўтиши. Иш Бухоро давлат университети ўзбек филологияси кафедрасида муҳокама этилиб, тугалланган тадқиқот сифатида маъқулланган ва ҳимояга тавсия этилган.

Битирув малакавий иши натижаларининг эълон қилинганлиги. Ишнинг асосий мазмуни 2012 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманида қилинган маърузада ўз ифодасини топган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Иш кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ

АБДУРАУФ ФИТРАТ – СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

I.1. Фитрат ижодий изланишларининг серқирралиги

Абдурауф Фитрат адабиётимиз тарихида шоир ва олим, носир ва драматург, ўқитувчи ва маърифатпарвар сифатида муҳим ўрин эгаллайди. У 1886 йилда Бухорода зиёли оиласида туғилган бўлиб, Бухоро, Истамбул мадрасалари ва дорилфунунларида ўқиди. Фитрат араб, форс, турк тилларини мукаммал билганлиги туфайли Шарқнинг буюк алломалари ижодини яхши ўзлаштиради.

Адибнинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган бўлиб, 1918 йилгача Қашқарда туриб қолади. У, асосан, онаси Мустафо биби (Бибижон) тарбиясида бўлиб, Навоий, Увайсий, Зебунисо, Бедил, Фузулий каби улкан шоирлар ғазалларини тинглаб вояга етган.

Фитрат 1909 йилда Туркияга ўқишга бориб, 1913 йилгача Истамбул дорилфунунида таҳсил кўрган. Туркияда ташкил бўлган “Бухоро таълими маъорифи” уюшмасида фаоллик кўрсатган. Беҳбудий асос солган жадид усулидаги мактаблар тақомилига хизмат этган. Унинг илк тўплами 1911 йилда “Сайҳа” (“Чорлов”) номи билан чоп этилган. “Сайёҳи ҳинд”, “Мунозара” каби асарлари ҳам шу йилларда нашр этилган.

1909 – 1913 йилларда Туркия дорилфунунида ўқиётганида унинг зукко, билимдонлиги профессор-ўқитувчиларни ҳайратга солади. Унга Фитрат – Донишманд тахаллусини берадилар.

Фитрат ижоди Туркистонда инқилобий ҳаракатлар кучайган, “Шарқ уйғонган” даврларга тўғри келди. У ҳам ўз салафлари каби аввало маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди. Унинг 1913 йилда тожик тилида яратилган “Мунозара” номли асарида ўз

халқини зулм ботқоғидан қутқариб, “нажот йўли”ни излаганлиги сезилади. Бу даврда рус тили ва рус маданиятини тарғиб қилиш ҳам Фитрат маърифатпарварлиги йўналишининг муҳим тармоғи бўлган.

Бундай қарашлар унинг ўзи ташкил этган ва муҳаррирлик қилган «Хуррият» рўзномасида кенг тарғиб этилди. Худи шу йиллар “Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масаласидир” (“Хуррият”, 1917 йил, 1-сон) деган шиор билан чиқди. Унинг “Хуррият” (1917 йил, 31-сон) рўзномасида босилган “Юрт кайғуси...” номли лавҳасида Туркистон учун, унинг аёллари озодлиги учун курашга бел боғлаганлигини айтади. “Мен сен учун туғилдим, сен учун яшарман, сенинг учун ўларман, эй туркнинг муқаддас ўчоғи!” деган даъват эштиради. “Улуғ Туркистон” (1917, 2-сон) рўзномасида “Яшасин турклик, яшасин Ислом” шиори билан чиқади. Унинг “Ҳинд ихтилочилари”, “Темур сағанаси”, “Ўғизхон”, “Або Муслим”, “Турк тили” каби асарларида ҳам хурфикрлар, қарашлар кўзга ташланади. Шулар қаторида “Қон”, “Беғижон”, “Чин севиш”, “Тўлқин”, “Рўзалар” каби драмаларини ҳам яратди.

Фитратнинг 1922 йилда нашр этилган “Ўзбек шоирлари” тўпламига кирган “Кеча”, “Беҳбудий мазорини излаб”, “Шарқ каби шеърларида изланиш жараёни учрайди. “Шоир” шеърида “ўзим учун кўп умидлар тўқидим” деган хулосага келади. Унинг 1920 йилда ёзилган “Ким дейай сени” шеърида ошиқнинг маъшуққа катта умид билан интилиши, кутиши, суюши лирик бир оҳангда куйланадики, бу ҳолат шоир энди ижоднинг янги пафонасига кўтарилаётганидан далолат беради.

Шоир ижодида, дунёқарашида силжиш, янгиликка, гўзалликка интилиш сезилади. Худди шу ҳол унинг “Абулфайзхон”, “Арслон” ва “Восеъ” (тожик тилида) каби

драмалари ғоясида ҳам кузатилади. Унинг “Қиёмат”, “Шайтоннинг тангрига исёни каби насрий асарларида энди ижодкор фалсафасининг чуқурлашганлиги, катта ижтимоий-ҳаётий муаммоларни ҳал этишга интилиши кўзга ташланади.

Фитрат йирик олим, адабиётшунос сифатида ҳам бир қанча асарлар яратган. Жумладан, “Адабиёт қоидалари”, “Эски ўзбек адабиёти намуналари”, “Аруз ҳақида” каби илмий кузатувлари адабиётшунослик фани тарихида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, унинг Умар Хайём, Фирдавсий, Навоий, Бедил, М.Солиҳ, Муқимий, Фурқат ҳақидаги тадқиқотлари адабиётимиз тарихида муҳим манба бўлиб хизмат этиши шубҳасиз.

Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби ўндан ортиқ мумтоз адабиёт вакиллари ҳақида мақолалар ёзган Фитрат айни чоғда олим, улкан педагог, халқ маорифи ташкилотчиси сифатида ҳам фаол ишлади. 1921 – 1923 йилларда у Республика Маориф халқ нозири бўлиб хизмат қилди. 1923 – 1924 йиллар орасида Москвадаги Шарқ тиллари институтида, сўнг Петербург дорилфунунида маъруза ўқиди.

Фитрат кўпқиррали ва сермахсул ижодкордир. Бу – унинг оз ва соз лирикаси, кўпқиррали драматургияси, жанговор публицистикаси ва катта ҳажмдаги чуқур илмий тадқиқотлари мисолида яққол кузатилади. Унинг ижодий ишлари ва ижтимоий фаолияти халқни жаҳолат, турғунлик, ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, бахт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда, миллий мустақилликка чорлашга қаратилган эди. У ўзбекларни ўзлигини танишга, ота-боболари каби улуғ кашфиётлар қилишга, бирлашган, кучли, қудратли давлат тузишга ва дунёнинг илғор маданий мамлакатларига етиб олишга чақирди. Бутун ижодининг моҳияти халқнинг қалб кўзини очишга ва меҳнат, яратиш, ўқиш-униш, курашга даъватдан иборатдир.

Фитратнинг илк тўплами “Сайҳа”нинг кучи Файзулла Хўжаев таъкидлаганидек, “Бухоро мустақиллиги ғояси ёрқин миллий шаклда биринчи бор ифодаб берилишида эди. Шу туфайли бу тўпламнинг Бухорода босилишига Амир Олимхон қаршилиқ қилади. Тўплам Ватанга муҳаббат, халқнинг ғам-ғуссасига ачиниш ва зулмдан қутулишга ундаш туйғуси билан йўғрилганлиги жиҳатидан эътиборни тортади:

У – менинг осмондош осойишта ойим, иззатим, шарафим,

У – менинг Каъбам, саждагоҳим, жону танимдир.

1920 йили Фтират Бухорога келади. 1921 йилдан халқ маорифи нозир, яна бир йил ўтгач, Хорижия нозир, халқ хўжалиги йиғилишининг раиси, жумҳурият МИК ўринбосари. Халқ нозирлари шўросининг муовини, Ҳукумат режа ва лойиш ташкилий хайъатининг раиси, БХШЖ Меҳнат кенгашининг Президиум аъзоси вазифаларини олиб боради. Жумҳурият ижтимоий-маданий ҳаётининг ҳамма масалаларида фаол иштирок этади. Унинг ташаббуси билан 1921 йили Бухорода Шарқ мусиқа мактаби очилади. 1923-1924 йилларда Фитрат Москвадаги собиқ Шарқ тиллари институтида ишлаб, илм билан шуғулланади. Ленинград Давлат университетининг Шарқ факултетида Шарқ халқлари тили, адабиёти, маданиятидан маърузалар ўқиди, профессорликка сайланди. Фитрат Ўзбекистонга 1927 йили қайтиб келди. Самарқандда янги ташкил топган Олий педагогика институтида иш бошлади. У ўз ҳаёти давомида юзлаб жанговор мақолалар, ўнлаб ижтимоий-сиёсий рисоалар яратди. Биргина Туркистон матбуоти эмас, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Кавказ, Волгабўйи матбуотида фаол иштирок этди.

“Ўзбек тили” дарслиги, “Ўзбек тили сарфи” (грамматикаси) китоблари эса 1925 – 1930 йилларда беш марта чоп этилди. Унинг “Тилимиз”, “Ўзбекча тил сабоқлари”, “Имло конференцияси

муносабати билан” мақолалари ҳам яратилди. У ана шу ишлари учун ўзбек олимлари орасида биринчилардан бўлиб профессор деган юксак илмий унвонга сазовор бўлган.

Фитрат 1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Отажон Ҳошим, Қаям Рамазон, Ғози Олим каби халқимизнинг буюк зиёлилари қаторида қатл этилди. Фақат 1956 йилда у оқланди. Оқланди-ю, қарийб яна ўттиз беш йилдан сўнггина, мустақиллик даври шарофати билан у ҳақдаги ҳақиқатни айтиш ва ёзиш имконияти туғилди.

Фитрат асарлари у ҳаётлик пайтидаёқ юксак баҳо олган, бошқа тилларга таржима қилинган. Уни қайта “танитиш” 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланди.

Абдурауф Фитрат ҳаёти ва адабий фаолияти зиддиятларга ўта бойлиги билан ажралиб туради. 1991 йил 25 сентябрда Абдурауф Фитратга ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги, реалистик адабий танқидчилик ҳамда адабиётшунослик мактабига асос солишдаги хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти берилди.

Фитрат номида Тошкент ва Бухорода кўчалар, мактаблар бор. Туғилган шаҳрида ёдгорлик музейи очилган, хиёбон барпо этилган. 1996 йили таваллудининг 110 йиллиги мамлакат миқёсида нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра Навоий мукофоти ва Мустақиллик ордени билан тақдирланди.

Хуллас, XX аср Шарқ, жумладан, ўзбек халқи ижтимоий ҳаёти, маданияти ва маънавияти тарихида Абдурауф Фитратнинг алоҳида ўрни ва хизматлари бор. Инқилобчи шоир, оташин маърифатчи ва тарихшунос, публицист ва мусиқашунос, драманавис, адабиётшунос, тилшунос, шунингдек, ўзига хос фольклоршунос олимнинг ижтимоий, ижодий, илмий фаолият доираси ана шу тарзда кенг ва серқиррадир.

I.2. Фитратнинг халқ оғзаки ижоди хусусиятлари тўғрисидаги қарашлари

Абдурауф Фитрат Туркистон маданияти тарихида фақат шоир, адабиётшунос, драматург ва педагог сифатидагина эмас, балки ўлкамизнинг бой қадимий тарихи, иқтисоди, ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожини, мусиқа ва фольклорининг дастлабки тадқиқотчиси ва тарғиботчиси сифатида ҳам маълумдир. Унинг 1919 йил Тошкентда “Чиғатой гурунги”ни ташкил этиб, Бухоро, Фарғонадан кўплаб мумтоз адабиёт ва мусиқа асарларини тўплаб, халқ куй ва ашулаларининг нодир намуналарини ёздириб келтириши ва эълон қилдириши, бунинг ёрқин далилидир.

Фитрат жумҳурият олий ўқув юртлари учун ўзбек тилида “Адабиёт қоидалари” (1926) қўлланмасини яратди ва унда ёзма адабиётнинг асосий манбаси бўлган фольклор санъатининг тур ва жанрлари, ўзига хос хусусият ва фазилатлари хусусида холис илмий таъриф ва фикрлар баён қилди. Бундан ташқари ушбу асарда фольклорнинг ашула, эртақ, достон, лапар, топишмоқ ва мақол каби жанрларининг ўзига хос тузилиши, поэтикаси билан бирга уларнинг ўзаро ички таъсир ва алоқаларини ҳам теран таҳлил этади.

Фитрат фольклорнинг ёзма адабиётдан фарқли томонларини кўрсатар экан, унинг халқ руҳияти ва кайфияти, онги ва тушунчаларини ифодалашини, фольклор кенг омма томонидан яратилишини, халқ маросимларида айтилишини, асрлар мобайнида оғиздан-оғизга кўчиб ўзгариб, сайқалланиб боришини айтади. Олим фақат шу кузатиш ва мулоҳазалари билан чекланиб қолмай, Вадуд Маҳмуд, А.Диваев, Ғози олим Юнусов, Элбек ва бошқаларнинг мақола ва монографияларига ҳам суянади. Бу жабҳада Абдурауф Фитратнинг “Адабиёт қоидалари”

қўлланмасидаги эл адабиётига доир фикр ва ўйлар, унинг соҳада тўплаган тажриба ва хулосалари Ҳоди Зариф, Миёнбузрук Солиҳов, уларнинг шогирдлари Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Буюк Каримов ва бошқаларнинг дostonчилик, эртақчилик, қўшиқчилик ҳақидаги амалий ва назарий тадқиқотлари учун дастлабки дастуруламал бўлган дейишга асос бўлади.

Фитрат, аввало, адабиётни иккига: ёзма ва эл адабиёти деб ажратишларига алоҳида эътибор қаратади ҳамда бунини тўлиқ маъқуллайди. У бу ажратиш тўғрисида ўша давр танқидчиси Вадуд Маҳмуд билан қизғин баҳсга киришади. У кўтариб чиққан муаммонинг аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бунда у дастлаб В.Маҳмуднинг ёш адабиётчи эканлигига эътиборни қаратади. Шу билан гўё В.Маҳмуднинг бу борадаги назарий қарашларда чалкашликка йўл қўйишига унинг ёшлиги, тажрибасизлиги сабаб бўлганлигини уқтирмақчи ва айти пайтда навқирон адабиётшуносни сезилар-сезилмас ҳимоя қилмақчи бўлади. Жумладан, Фитрат ёзади:
“Ёш адабиётчиларимиздан В.Маҳмудовнинг шу аҳамиятли фикрини тинглайлик: “... лекин ёзма, эл адабиётини айирмоқ ва буларни жами, монини, таъриф қилмоқ қийиндир, ҳатто мумкин эмасдир. Ёзма адабиётнинг бир хусусияти ёзмалиги, иккинчиси асар эгасининг маълум бўлишидир, эл адабиётининг хусусиятида шу сифатларнинг бўлмаслиги ва оғиздан-оғизга кўчиб юришидир”.

Кўриняптики, В.Маҳмуд адабиётни ёзма ва оғзаки (яъни эл адабиёти) деб ажратишга, бунда уларнинг яратилишига кўра бири ёзма ва муаллифли, иккинчиси эса оғзаки ва муаллифсиз бўлишини асосий белги деб ҳисоблашга қаршилиқ кўрсатган.

Фитрат В.Маҳмуднинг шу ҳақдаги фикрларига алоҳида эътибор қаратган ва уни жиддий таҳлил қилишга киришган. Шунинг учун у бу ҳақда шундай ёзади: “Биринчи: бир вақтлар

ёзма ўлароқ майдонга чиққан бир адабий асар йўқолди дейлик ва сўнгра унинг парчалари оғиздан-оғизга кўчиб юрди ва асар эгасининг оти ҳам унутилди деяйлик. Иккинчи: оғиздан-оғизга кўчиб, асрларча юрган достон, мақоллар ёзилиб бир мажмуа ҳолига келтирилди деяйлик (қандайки букун ҳар ерда қилинадир). Бу икковини қандай қилиб ажратиш керак ва қайсисини қиёсига киргизиш керак?”

Маълумки, Вадуд Маҳмуд ўзигача билдирилган “Эл адабиётининг эгаси маълум бир киши эмас, унинг эгаси халқдир” деган назарий қарашга эътироз билдирганча: “Ҳеч бир достон, мақол, топишмоқ, ашула йўқки, йигирма киши ўйлашиб тўқиган ёки “баста”лаган бўлсин. Ҳар достон, мақол, топишмоқ, ашула асосан бир киши томонидан чиқариладир-да, сўнгра умумийлашиб кетадир. Туркистоннинг сўнг шоирларидан Муқимий, Фурқат, Ҳазиний парчаларидан шундайлари борки, агар аллақайси токчаларда чуриб, қорайиб кетган баёзлардан кўриб эгаларини билган бўлмасак, уларни эл адабиётидан ажрата олмас эдик²...” – деб ёзади.

Аёнлашадики, Вадуд Маҳмуднинг фикрича, адабиётимизда оғиздан-оғизга ўтиб келаётган достону эртаклар, қўшиқлар ҳам қачондир кимдир томонидан яратилган бўлиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтган сари янада сайқалланиб, мазмунан бойиб, муайян ўзгаришларга учраган. Шу тариқа бир киши яратган асарга кўпчилик безак бериши туфайли у кўпчилик ижоди маҳсули кўринишини олган. Ҳатто у ўз вақтида ёзма шаклда яратилган бўлса ҳам, вақт ўтиши билан ёзма шаклининг йўқолиб кетиши натижасида эл орасида оғзаки ҳолда сақланиб қолиши туфайли халқ оғзаки ижоди намунаси номини олишига сабаб бўлган. Худди

² А. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Т.,

ана шу маънода Вадуд Маҳмуд “Эл адабиётининг эгаси маълум бир киши эмас, унинг эгаси халқдир” деган қарашга қарши чиқади.

Фитрат ҳам аслида Вадуд Маҳмуднинг ушбу фикрини маъқуллайди ва бу ҳақда: “В.Маҳмуднинг гапи жуда тўғри. Бу икки турли адабиёт орасидаги фарқни ёзма, ёзилмаганликда ёки эгасининг белгили белгисиз бўлганида кўрмак янглишдир. Шундай бўлса ҳам бизнинг санъат адабиётимизга қарши ўзининг самимийлиги, соддалиги билан бир адабиётнинг борлигида маълумдир. Бироқ бунинг айирмаси ёзма бўлмаслигида, ё эгасининг маълум эмаслигида эмас, ўзининг руҳидадир”, - дейди.

Демак, Вадуд Маҳмуд “эл адабиёти” деганда, халқ маънавий мулкига айланган ёзма ҳамда оғзаки асарлар жамини тушунган. Фитрат эса “эл адабиёти” бирикмаси асосида халқ оғзаки бадиий ижоди дурдоналарини, яъни фольклор асарларини англатишга уринган. Фитрат “эл” сўзини “халқ”, яъни кўпчилик тушунчасида қўллаган. Шунинг учун у: “Шаҳарларда, сарой, мадраса теграларида йиғилиб, маданиятча илгари босқон, иқтисодча кўтарилган, туйғуча-завқча ингичкаланган бир “кўма⁴”дан кейинга қарасангиз маданият, эътиқод, туйғу, завқ ҳам тушунчада тубанда қолган *буюк бир кўпчиликни кўришингиз аниқдир*. Мана шу четда қолган *кўпчиликнинг* тушунишига, завқига, туйғусига, руҳига қаратиб яратилган кенг бир адабий асарлар бор. Мана шу асарларга биз эл адабиёти деймиз. Бундаги ифода, услуб, ўхшатишлар, сифатлашлар, мажозлар, истиоралар, қайнашлар ҳаммаси элники, эл тушунишига мос келтирилгандир. Ҳалиги санъаткор “кўма” шоирларининг ҳечда ёқтирмаганлари таъбирлар, ўхшатишлар эл адабиётининг энг чиройли қисмидир” деган эътирофни бежиз келтирмайди.

Фитрат фольклор асарларининг кўпчиликка тушунарли содда услубда, кўпчилик қалбига яқин кечинмалар асосида яратилганлигига алоҳида эътиборни қаратар экан, шу хусусиятлар унинг энг муҳим белгиларидан бири эканлигини таъкидлашга уринади.

Фитрат яна фольклор бадиий адабиётнинг энг қадимий шакли эканлигини эътироф этади: “Бадиий адабиётнинг энг қадимий шакли бу – халқ оғзаки ижоди саналади. Шунинг ўзидаёқ дostonлар, эртаклар, қўшиқлар, мақоллар, топишмоқлар каби жанрларга бўлинади.

Шу тариқа Фитрат ўзбек фольклорини яхлит тизим сифатида қараб, унга хос жанрларга алоқадор назарий муаммолар ҳақида дастлабки фикрларни илгари сурдики, булар кейинчалик тадқиқотчиларимиз учун дастуруламал вазифасини ўтади. Айниқса, унинг 1926 йилда адабиёт соҳаси мутахассисларини тайёрлаб етиштириш учун яратилган “Адабиёт қоидалари (адабиёт муаллимлари ва адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма” деб номланувчи китоби бу жиҳатдан эътиборга сазовордир. 20-йиллар мутахассислари учун адабиётшуносликдан дарслик вазифасини ўтаган бу китобда ёзма адабиёт назарияси билан бир қаторда оғзаки адабиёт, яъни фольклор назариясига алоқадор тушунчалар ҳам берилган. Аҳамиятли томони шундаки, Фитратнинг бу борадаги қарашлари адабиётшунослик ва фольклоршунослик нуқтаи назаридан бугунгача ўз кучини йўқотмай турибди.

Маълумки, оғзаки ижод ҳар қандай ёзма адабиётга таянч вазифасини бажарган. Ёзувчилар ижод сирларини айтимчилардан қолган асарлар асосида ўрганишган. Ҳар бир миллатнинг қиёфасини белгилашда унинг адабиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Чунки миллий адабиёт миллий руҳни акс эттиради. Миллий руҳни тўлақонли акс эттириш ва уни сақлаб қолишда бошқа бирор-бир восита бадиий адабиётга тенг келолмайди.

Халқнинг миллий анъаналарини акс эттириш эса бу халқ оғзаки ижодининг масъулияти ҳисобланади. Фитрат ҳам худди шу фикрларни таъкидлаб ўтди.

Халқ оғзаки ижодининг бирдан-бир хусусияти, халқ томонидан айтилганлиги ва муаллиф – халқнинг ўзи. Ҳақиқатдан, бир қўшиқ ёки шеърнинг муаллифсиз топилиши унинг халқ оғзаки ижодидан эканлигига бир ишорадир. Тўғри, халқ оғзаки ижодида дostonлар маълум бир бахши томонидан куйланади. Лекин бахши ҳам “бу дostonни ўзи яратди” деган қараш йўқ. Чунки у ҳам оғиздан-оғизга кўчиб юрган деталларни олиб, бир қолипга туширади.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.
Келган бўлса қўнғирот элнинг тўраси,
Қирқ кунлик йўл Бобохоннинг ораси.
Бобохон тоғидан пойга қиламан,
Кўздан ёшни мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Қўшқанотнинг қуйруғини сўздирса
Бобохондан пойга қилиб ўздирса
Оти илдам бойбаччага тегаман.

Ташбеҳлар ва муболағалар асосида тизилган бу сатрлар халқ оғзаки ижоди дostonларида учрайди. Нега дostonларда деб айтаяпмиз? Чунки кўп дostonларда бу сатрларни учратамиз. Масалан, “Гўрўғли”, “Алпомиш”, “Малика айёр” ва бошқа дostonларда ҳам уни учратиш мумкин.

Ёки қуйидаги лапар алоҳида жанр намунаси сифатида яшаши билан бирга дostonлар таркибида ҳам келтирилиши кузатилади:

Лапар айтсанг тўйда айтгил
сулув қизлар қочар-о,
Очилмаган гул ғунчани

булбул сайраб очар-о.
Кўзим олиб сувга чиқсам
оҳ урадир бир йигит,
Кўздан қўйуб қулоқ солсам
ёрдан айрилган йигит,
Ёрдан айрилган йигитнинг
ёри мен бўлсаммукин?
Қўлига қирғий бериб,
кўксида жой берсаммукин?

Кўриб турганимиздек, юқоридаги халқ қўшиғида самимий оҳанг акс этган. Бунга ўхшаб кетадиган яна бир халқ қўшиғини мисол келтириб ўтамыз:

Кўрмасам бир замон тоқатим йўқтур.
Мени зор инградиб, кўзим айрилма.
Сен кетарсан мен қолурман зор йиғлаб,
Ҳижрон ўти бирла бағримни доғлаб,
Қайси бир ошнодин сени сўроқлаб,
Шунқорим, лочиним, кўзим, айрилма.

Юқорида айтиб ўтилган эл лапар ва Андалибнинг “Юсуф ва Зулайҳо”сидаги шеърларда: очилмаган гул ғунчанинг булбул сайраши билан очилиши каби чиройли киноя, “кўза олиб сувга чиқмоқ”, “қўлга қирғий бериб, кўкрагида жон бермак”, сезгига “кўзи, шунқор, лочин” деб ундамоқ “кўма”, яъни зумра шоирларимизга ёқадиган таъбирлар эмасдир. Мана эл адабиётини “адабиёт”дан айирган нарсани унинг ёзилмаганлиги эмас, унинг руҳидир.

Дарҳақиқат, эл адабиёти, яъни халқ оғзаки ижоди ёзилиши, ўқилиши жуда содда бўлиши билан бирга кўнгилга яқинлиги юқоридаги байтлардан кўриниб турибди.

Фольклор – сўз санъатининг бошланғич намунаси. У беҳад қадимий, яъни жуда илгари қўлланилган сўз санъати бўлиб, унда узок ўтмишда яшаган, шу билан бирга бу меросни бизгача сақлаб келинган аجدодларимизнинг, бобо-бувиларимизнинг ҳали ёзувни билмаган замонлардаги турмуш тарзи, иймон-этиқоди, дунёқараши, кураш ва мағлубиятлари кенг ифодаланган.

Фольклорда тасвирланган воқелик вақт эътиборига кўра ўтмишга дахлдор, ундаги у ёки бу жанр табиатида, тил хусусиятларида бунинг изларини кўриш мумкин. Халқ поэзиясининг қайси бир ёдгорлиги хусусида ўйлаб кўрманг, унинг замирида диний ҳаётий ёки диний маросим, уй хўжалик ёки “халқ сиёсий ҳаёти” ғояси ёрқин тасвирга олинганлиги кузатилади.

Фольклорнинг бетакрор сўз санъати сифатидаги моҳияти халқ турмушини ифодалаганлиги туфайли этнография билан, халқ руҳияти ва эътиқодий қарашларини акс эттириб, руҳшунослик ва дин тарихи билан, халқ ахлоқий қарашларини ифодалаб тарбияшунослик билан, мусиқа, рақс ва ҳаракатларга омукталиги боис санъатшунослик билан ва ниҳоят, жонли сўзлашув тилида яратилганлиги сабабли тилшунослик фанлари билан сингишганлигида намоён бўлади. Бу унинг кўп вазифали ҳодисалигини таъминлаган омилдир.

Шунинг билан бирга, халқ оғзаки ижоди инсон кўнгил торларини черта олган қадимий куй ёки оҳанг десак муболаға бўлмайди. Шу оҳанг турларидан яна бирини тингласак:

Қошини термаси кўп,
Мўйчинак тишламайди.
Мани ёрим дангаса,
Мўмакдай ишламайди.
Яллама, ёрим, яллола,
Яллолашайлик, бедодлашайлик.

Сойнинг бўйи салқин экан.

Ҳасратрашайлик.

Қўшиқда “ёридан норозилик аломатлари сезилиб турган бу аёлнинг, бошқа бир суҳбатдош аёлга илтижолари” тасвирланмоқда.

Фитратнинг эл адабиёти хусусида тўхталар экан, яна: “эл адабиётидан саналган асарларнинг эгалари кўпчиликнинг “кўма”, яъни зумра шоирлари томонидан ёзилган асарлар орасида кўпчиликнинг туйғу, завқига ёқиб, эл адабиёти қаторига кирганлар ҳам бордир, - дейди.

Унинг фикри айни ҳақиқатнинг ўзи бўлибгина қолмай, фан доирасида ҳам бу фикр исботланган. Чунки халқ томонидан яратилган асарлар, бевосита халқнинг дардини, ўй-хаёлларини, қалбининг туб-тубида яшириниб ётган содда қарашларини акс эттиради. Халқнинг асарлар давомида шаклланган бадиий завқи, диди бор. Фольклор ҳамиша шу халқона эстетик принципга амал қилиб яшайди. Бу – фольклордаги анъанавийликни ҳаракатга солади. Масалан, ижтимоий тафаккур тараққиёти халқ эътиқодида ясаган туб бурилишлар оқибатида бадик, кинна, бурей-бурей жанрлари, шунингдек, “Суст хотин”, “Чой момо”, “Барот келди” маросимлари сўниб, истеъмолдан чиқиб кетди. XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб янги воқеликнинг юзага келиши туфайли дoston яратиш анъанаси ҳам сўниш сари юз тутди. Қўшиқ, мақол, аския, оғзаки ҳикоя эса давом этмоқда. Айрим янги шакл – жанр, жумладан, тарихий қўшиқ юзага келди. Шунингдек, анъанавий қўшиқ мотивлари ўзгарди. Янги воқелик мазмунига мос образлар ва қарашлар эвазига тўлишди.¹

Ҳали ҳам халқ орасида ёши улуғ кексалар, тадбирларда эски халқ намуналари бўлган фольклор қўшиқларни айтиб юришади. Бу

¹ О.Сафаров, Д.Ўраева “Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди” (2-қисм). – Т., 2006.

кадимий анъаналаримиз ўз қудратини йўқотмаганлиги, аксинча, янада ривожланганлигидан далолат беради.

Халқ оғзаки ижоди саналган асарлар кўпчиликнинг туйғусига, завқига, олам-олам ўй-хаёлларига тўғри келганлиги боис ўқувчи, умуман олганда, китобхон бу асарнинг муаллифига аҳамият бермай, “ўзининг ижод намунаси” деб қарайди, яъни асар фақат китобхонга тегишли. Фитрат айнан шу масалани таъкидлаб ўтади.

Халқ оғзаки ижодининг энг қадимий намуналари келтириб ўтилган, XI асрда ёзилган “Девону луғотит турк” асарида жамланган бадий парчалар туркий халқлар адабиётининг анча олдинги даврларида вужудга келган. Бу маълумотдан шу нарса кўриниб турибдики, халқ оғзаки ижоди намуналари нафақат X асрлик, балки ундан-да кўп тарихийликни талаб этади.

Ўтмишга назар ташласак, энг қадимда инсон пайдо бўлган даврдан бошлаб, халқ оғзаки ижодий элементлари кўрина бошлаган. Масалан, момоқалди роқ бўлиб, чақмоқ чақиши ва одамлар бу ҳолатни илоҳийлаштириб, уни ҳайдаш мақсадида ҳар хил элементлардан фойдаланганлиги ва шамолни “олиб келиш” мақсадида ҳар хил сўзлар келтириб ўтилганлиги ҳам фольклорнинг илк намунаси ҳисобланади. “Девону луғотит турк”да туркий халқларнинг урф-одатлари, ишонч-эътиқодлари, маросимлари билан боғланиб кетадиган лавҳалар ҳам бор. Уларнинг бир қисми бевосита тарихий мавзуларга бағишланган. Алп Эр Тўнга ривояти ябоғулар, танғутлар билан бўлган жанглар ҳақидаги парчалар билан бойитилди.

Хулоса қилиб айтганда, Абдарауф Фитрат ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарига ўз қарашларини билдирибгина қолмай, уни янада бойитди.

Фитрат халқ оғзаки ижоди анъаналаридан жуда кўп асарларида фойдаланганлиги кузатилади. Жумладан, “Шайтоннинг тангрига исёни” драмасига бевосита халқ оғзаки ижодининг баъзи сюжетлари кўчирилган. У Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарини тўлиқ ўқиб чиқиб, ундаги халқ оғзаки ижодига чуқурроқ эътибор қаратган. Чунки фольклор қадимий сўз санъати бўлиб, унда узоқ ўтмишда яшаган ибтидоий аجدодларимизнинг ҳали ёзувни билмаган замонлардаги туриш-турмуши, дунёкараши ва эътиқоди, кураш ва мағлубиятлари ифодаланган. Фольклорда тасвирланган воқелик вақт эътиборига кўра ўтмишга дахлдор, ундаги у ёки бу жанр табиатида, тил хусусиятларида бунинг изларини кўриш мумкин. Фитрат шу изларни бир қадар кўриб чиқишга муваффақ бўлди.

Абдурауф Фитрат “Адабиёт қоидалари” қўлланмасида халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ “Эл адабиёти” номли жажжигина тадқиқотини эълон қилди. Туркий халқларнинг оғзаки ижоди Абдурауф Фитратга қадар бир неча асрлар олдин Маҳмуд Қошғарий, Абулқосим Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон, Муҳаммад Шариф Гулханий каби адибларнинг эътиборини ҳам ўзига жалб қилган. Улар халқ оғзаки ижодининг қўшиқ, марсия ва мақол жанрига оид намуналарини тўплаб, ўз асарларига киритишган. Шу билан бирга улар ҳақида баъзи назарий фикрларни ҳам билдириб ўтишган. Бу фольклоршунослигимизнинг ниҳоятда қадим сарчашмага эга эканлигининг далилидир. XX аср бошига келиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида фольклор фан сифатида шаклланган, халқ ижодиёти намуналарини тўплаш, уларни ўрганиш аллақачон бошланган эди. Бизда эса у фан сифатида шаклланиш нарида турсин, махсус тўплаш ишлари ҳали ҳам бошланмаган эди. Мана шу кемтиклик ҳассос Абдурауф Фитрат назаридан четда қолмади. Уни халқнинг оғзаки ижоди бор мафтунокорлиги билан ўзига жалб этди. Шунинг учун қомусий олим томонидан ташкил этилган “Чиғатой гурунги” тўғарагининг асосий

вазифаларидан бири фольклор материалларини тўплашдан иборат эди. Қрим-татар туркшуноси Бакрбек Чўпонзода (1893-1937) гурунгчилар тутган йўлни қисқача шундай таърифлайди: “Чиғатой гурунги” чиғатой тилини қайта тиклаш шиори билан дунёга келиб, мавжуд ўзбек шеваларини ўрганишди... Шунингдек, юқорида айтилган фаолият билан бирга “Чиғатой гурунги” вакиллари ёш ёзувчи ва шоирларни тарбиялаш, фольклор материалларини йиғиш, оммабоп театрини ташкил этишдек ишларда ҳам фаоллик кўрсатдилар. Ўтган асрнинг 20-йилларида Абдурауф Фитрат жонкуярлиги ва даъвати билан халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш бошланди. Натижада ўнлаб халқ достонлари, юзаб халқ эртаклари, қўшиқлар, лапарлар, топишмоқлар ва мақоллар ёзиб олинди. Шу асосда ўзбек фольклоршунослиги фан сифатида шаклланишга эришди. Демак, Абдурауф Фитрат бу фаннинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган, унинг пойдевориغا тамал тошини қўйганлардан биридир. Бироқ адиб фаолиятининг бу қирраси ҳали махсус ўрганилганича йўқ.

II БОБ

ФИТРАТНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ЖАНРЛАР ТАРКИБИГА ОИД КУЗАТИШЛАРИ

II.1. Фитрат халқ қўшиқлари (ашула, лапар) ҳақида

Абдурауф Фитрат халқ оғзаки ижодига алоҳида назар ташлаб, унинг жанрлар таркибига қизиқди. Айниқса, у халқ қўшиқларидан ашула ва лапарларни бирмунча ўрганиб, уларга хос хусусиятларни очиб беришга интилди. Бинобарин, Фитрат *халқ қўшиқлари ҳақида* тўхталар экан, шундай ёзади: “Куй, оҳанг билан ўқилатурғон шеърлар, тизмаларга ашула дейилади. Ашулаларимиз кўпрак миллий вазн (пармоқ вазни)да бўлади. Ашула шеърларимиздан энг кўпи тўртликлардир¹”.

Абдурауф Фитрат талқинича, ашула бармоқ вазнида бўлибгина қолмай, унда куй, оҳанг мужассамлашади. У ўша даврда “ашула” деб атаган халқ оғзаки ижодининг бу жанри ҳозирда “қўшиқ” деб юритилади. “Қўшиқ” атамасининг илмий истилоҳ ҳолатига келтирилганлигига жуда кўп асрлар бўлган. Зеро, у кенг маънода халқ поэзиясини англатса, тор маънода халқ лирикаси шаклини – жанрини ифодалайди. Бу ҳолатни қорақалпоқ, озарбайжон ва уйғур фольклорида бўлганидек, тожик фольклорида ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, тожикча “суруд”, қорақалпоқча “қўсиқ”, озарбайжонча “қўшма” ва уйғурча “қўшоқ” истилоҳлари шундай эстетик моҳиятга эга².

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам халқ қўшиқлари ўзининг қадимий тили, оҳанги билан ўрин олган. Фитрат ўз қарашларига янада очиқлик киритиб, шундай дейди:

¹ А.Фитрат. “Танланган асари” III жилди.

² Сафаров О. Ўраева Д. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди 1-қисм. – Бухоро, 2006.

“Ашула, шеърларимиздан энг кўби тўртликлардир. Бир ашулада ўқилатурған шеърлар олти-етти тўртликдан иборатдир. Бироқ бир – икки мисра “нақарот” ҳар тўртликда айланиб туради. Ҳар тўртликнинг ўзига қофияси бўладир. Ҳар тўртликда биринчи, иккинчи, тўртинчи мисранинг қофияланиши бир турли бўлиб, учинчи мисра қофиясиз, бошқа бўлади:

Бекижон укам –
Жўхори экдим кечки,
Ёнидан қилдим бачки,
Ёргинам эсон келса,
Бекижон укам ёрларам
Ҳар мозорга беш эчки¹.

Фитрат эътироф этганидек, биринчи, иккинчи ва бешинчи мисралар ўзаро қофияланган, учинчи – тўртинчи қаторларда эса умуман қофияланиш хусусияти йўқ. Ҳар доимгидек халқ қўшиқларида “ёр” мотивлари ўз ўрнини топган. Халқ қўшиқларида инсоннинг руҳий олами, ички кечинмалари, турмушида содир бўлувчи кўнгилли ва кўнгилсиз воқеалар, ғам-андух ёки шодлиг-у – хуррамликлари, меҳнат машаққатлари, севги изтироблари, ҳис-туйғулар орқали аниқ бадий образларда гавдалантирилади.

Сув келар гулдир-гулдир,
Севганим қизил гулдир.
Севганим топилмаса,
Ўлганим ўшал кундир.²

Ўта миллий, тарихий, бадий-эстетик ҳодиса саналувчи қўшиқлар миллатнинг поэтик хотираси, билимлари қомуси, туганмас маънавият бойлиги сифатида жуда қадим замонларда то ҳозиргача яратилиб, қуйланиб келмоқда. Халқ шеъриятининг

¹ Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари.

² А.Фитрат Ўша манбада.

кадимий, оммавий, анъанавий тури саналувчи қўшиқлар инсонга, инсониятга доимий ҳамроҳ бўлиб, унга маънавий турмушда маънавий кўмакчи, хилма-хил маросимларнинг бетакрорлигини таъминловчи бадий қисми вазифасини ўтаб келмоқда.

Умумий қилиб айтганда, туркий “қўшмоқ” феъли ўзагидан ясалган қўшиқ атамаси сатрни сатрга қўшиб айтиш ва куйлаш маъноларини англатади. Зеро, халқ қўшиғи куй билан бирга туғилади ва шу хусусияти билан ёзма адабиётдаги шеъриятдан фарқ қилади. Қолаверса, халқ қўшиқлари тарихан рақслар билан ҳам яхлитлашган ва албатта, куйланишга мувофиқлашгани билан ажралиб туради.¹

Яна бир нарсага эътибор қаратайлик: О.Сафаров, Д.Ўраева “Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди” қўлланмасининг биринчи қисмида: “Қўшиқ халқ шеъри сифатида ҳам бармоқ, ҳам аруз вазнларида яратилса-да, жамоа, созлик (куйли) ва созсиз (куйсиз) ижроларга мўлжалланганлиги билан ўзаро фарқ қилади”, - деб ёзишади. Лекин негадир А.Фитрат “Халқ қўшиғи, асосан, бармоқ вазнида ёзилади” деб айтиб ўтган.

Ориқ тўла сув оқар,
Сув тагида қум оқар,
Севганим ташлаб кетса,
Менга кулиб ким боқар?

Шу ашуланинг тўртинчи бандида келган қофия йўсуни бирдан ўзгариб қоладир. Юқоридаги бандларда 1-,2-,4-мисра қофиясиз экан, тўртинчи бандда 1-, 3- мисралар қофиясиз, 1-,4-мисралар қофияли бўладир.²

Ҳақиқатдан ҳам, халқ қўшиқларида бу ҳолат жуда кўп учрайди. Халқ қўшиқларининг мавзулар кўлами кенг. Шу

¹ Ў.Сафаров Д.Ўраева Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди.

² А.Фитрат.Адабиёт қоидалари.

мавзулардан энг оммабоп тури бу ишқий мавзудаги халқ кўшиқларидир. Халқ кўшиқлари, яъни фольклор шеърларида сўз санъати кенг эмас. Лекин халқ қалби туб-тубида ётган чинакам чапани сўзлар асосида шеър дунёга келади. Ахир бадий сўз санъатининг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳаси, бу фольклордир. Машаққатли меҳнат жараёнида инсон тажрибасининг ортиши, нутқининг шаклланиши билан инсон онги ривожлани, табиат ва жамият ҳақидаги фикр тушунчаларни образлар воситасида тасвирлашга интилиш оғзаки ижод пайдо бўлишига туртки бўлди.

Фитрат халқ кўшиқларига кам эътибор бермади. Чунки у кўшиқнинг фольклоршуносликдаги ўрни бекиёс эканлигини кузатиб билди. У келтирган мисолга эътиборимизни қаратсак:

Боғ айланиб шафтоли,
Учган кимнинг каптари.
Айтсам адо бўлмайдир,
Бевафонинг дафтари.

Ишқий мавзудаги ушбу халқ кўшиғида қофия а,а,б,а тарзида берилган. Шундай кўшиқлардан яна бирига эътиборимизни қаратсак:

Боғинг бўлса қўра қил,
Ўғлинг бўлса мулла қил.
Муллаликка кўнмаса,
Сатангларга жўра қил.

Ҳар бир мисраси етти бўғиндан иборат бу кўшиқ халқ оғзаки ижодининг нодир намунаси ҳисобланади.

Фитрат халқ кўшиқлари ҳақида сўз юритганда, уни кенг маънода ашулалар деб атаган. Уларда фольклорга хос жамоавийлик, вариантлик, анонимлик хусусиятларини кўра олган. Ашула (кўшиқ)да лирик қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжони,

туйғулари, фикр-мулоҳазалари бадий ифодаланиб келишини алоҳида эътироф этган. Уларда оддий халқ оммасининг ички рухий кечинмалари, тирикчилиги, яшаш учун кураши, тушунчалари, ижтимоий муносабатлари ва дунёқарашлари акс эттирилишини тўғри қайд этган. У “ашула” жанри табиати хусусида тўхталар экан, “Андижон борай” қўшиғини мисол тариқасида келтириб ўтган:

Қошингни қорасида,
Хол бўлай орасига.
Асло раҳминг келмайдир,
Мусулмон боласига.
Андижон борай дедим, боролмадим.
Роҳатлик қилай дедим, қилолмадим.

Фитрат ушбу лирик асарнинг таҳлилида шундай ёзади: “Тўёки, ошиқ маъшуқанинг қошига шайдо, қора қошига хол бўлиб, ҳеч қаёққа қўйиб юбормай, умр бўйи у билан бирга бўлай, лекин маъшуқа хол бўлишга, ўзига чанг оширишга қоймайди, мендек бу ғарибга, мусулмон йигитга раҳми келмайди. Бундан сўнг яна юқоридаги нақарот айтиладир. Ондан кейин яна тўртлик, яна нақарот давом этадир. Нақаротсиз тўртликлар билангина юрган ашулалар ҳам бордир”.

Шундан сўнг Фитрат нақаротсиз қўшиқ сифатида қуйидаги парчани мисол келтиради:

Энди сендек, жоно жонон қайдадир,
Кўриб гул юзингни боғда бандадир.
Сақлай ишқим токи жоним тандадир,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир.

Меҳринг ўти тушуф ногоҳ жонларга
Парвойим йўқ зарра хонуманларга.

Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир¹.

Юқоридаги қўшиқ, Фитрат қараши билан айтганда, “ашула” маълум ва машҳурдир. У ҳали ханузгача тилдан тушмай келаётир.

Фитрат *лапар жанри ҳақида* ҳам алоҳида ва махсус тўхталган. У лапар тўғрисида қуйидагиларни маълум қилади: “Эл адабиётининг энг маълум турларидан бири лапардир. Бу тўғрида шоиримиз Элбек мана бундай дейдилар: Бурунларда боболаримиз томонидан тўй – тўйга кўчирилиб буюк ҳавас билан айтилиб келган бу “адабиёт” буқун сўнар ҳолга етмишдир. Лапар “опера”га яқинроқ бир руҳда айтилган асар бўлиб, буни қизнинг никоҳидан бир – икки кун бурун ўйин кечасида “куй” билан айтиб ўқийдилар. Мунда келин бўлғувчи қиз ўзининг яқин ўртоқларини чақириб, “базм кечаси” ясайдилар. Бунинг бир кечасига қизлардан ташқари хотиралар, куёв томонидан йигитлар ҳам келадилар. Бу кўнгилли кечани бошқариш иши хотинларга топширилганликдан улар тартиб сақлаб, кечани жуда яхши ўтказадилар. Бу ясалгуси базм кечасига қизлар яна йигитлар ўзларининг кўнглидаги нарсаларини “лапар” йўли билан бир-бирларига англатадилар. Лапарни бошлаш олдида қизлар билан йигитлар орасига турғуси хотиралардан бири “лапар”нинг бошланғич бўлган қуйидаги “лапар”ни айтиб, уларни лапарга ундайдилар.

Бошланғич лапар:

Лапарнинг аввал боши мармартоши,
Чит рўмолни ҳўл қилган кўзнинг ёши
Чит рўмолим хосае
Қўлимда чинни косае
Қизлар лапар айтмоқда
Йигитлар қулоқ солса.

¹ Ўша манба.

Бундан сўнг жавоб тариқасида йигитлар ҳам сўзга кирадилар. Биринма кетин қизлар ва йигитлар лапар айтиб сўнг ўтирадилар.

Дарёнинг нариёғида бир туб ғўза,
Ул ғўзанинг тагида олтин кўза.
Жон янга, жоним янга, арзим сизга,
Бир кеча қўшиб қўйинг қаро кўзга

Шу зайлда давом этадиган халқ лапарлари гўзал қочиримлар асосида бунёд бўлган.

Лапар айтиш анъанаси ҳозир ҳам анъана сифатида ҳамон давом этмоқда. Таниқли фольклоршунос Т.Мирзаевнинг таъкидлашича: “Илгарилари обу ош тортилгач, ҳовлида гулхан ёқилиб, ҳовли базми ўтказилган. Шундан кейин қизлар рўмол ёйилган уйга, яъни келиннинг сепи ёйилган, махсус тайёрланган уйга кирганлар. Қизлар уй ичида, йигитлар ташқарида – эшик олдида ёки қизлар уйнинг тўрида, йигитлар пойгакда тик туришиб лапар айтишган. Лапар айтишни эътиборли кайвони аёл, ҳамма тан олган лапарчи чилдирма жўрлигида ёки чилдирмасиз бошқариб турган. Бунда бошқарувчи рухсати билан икки йигит ўз белбоғини ечиб, лапар айтиб, ўзига маъқул бўлган икки қиз олдида ташлайди. Ўз навбатида, қизлар ҳам лапар билан жавоб айтиб, йигитлар белбоғига бирор нарса: олма, нок, анор, тухум, ширинликлар, қўл рўмолча ёки хат тугиб қайтаради. Буни “лапар солиштириш” деб айтишади. Шу тариқа лапар айтишиш давом этади. “Лапарни, одатда, куёв томондан бирор йигит бошлаб берган. Буни “бошланғич лапарлар” дейишган, лекин сўзга чечан, тажрибали лапарчи аёл жараёнида назорат қилиб турган. Бу лапарнинг ўзида шундай ифодасини топган:

Аввал бошлаб айтганда, қиз бошламас,
Қиз бошлаган лапарни эл хушламас.

Айтмайин деб бир хаёл қилиб эдим,
Ёру-жўрам қўймади, энди бўлмас¹.

Маматқул Жўраев тўплаб, тартиб берган “Ой олдида бир юлдуз” китобида келтирилган лапар ҳақидаги фикрларга эътиборимизни қаратсак: Халқимизнинг қадимий одатига кўра, никоҳ тўйи маросими таркибида “лапар кечаси” ўтказилган. Лапар тўй маросими фольклорига оид жанр бўлиб, асосан, никоҳдан бир кун бурун ўтказилган қизлар йиғинида ижро этилган. Хусусан, Сайрамда яшовчи ўзбеклар одатича, қадимда никоҳ тўйи бир неча маросимларни ўз ичига олган. “Маслаҳат куни”да рўмол ёзилган, сеп ёйиб уй ясатгналар. Куёв томондан икки хотин “тўй муборак”ка келади. Қуда тараф уларни яхшилаб кутиб олиб, бир кийимликдан сарупо бериб жўнатадилар. Эртаси куни “қозон оши” қилинган. Бу куни куёв томондан тўрт хотин, тўрт эркак совға-саломлар билан келишади. Уларга ҳам ҳурмат-эътибор кўрсатадилар. Ўша куни кечаси қиз кўрар бўлади.

Келин ўз янгалари ва дугоналари билан йиғилишиб турадилар. Тўрт янга ва жўралар ҳамроҳлигида куёв йигит ҳам келади. Уларни қизнинг янгалари кутиб олишади. Ўртаси устунли уйнинг бир тарафида қизлар, иккинчи тарафида йигитлар турадилар. Кейин янгалар: - Куёв жўралар ўтиринглар-ов! Ўтиринглар! – деб уч марта хитоб қиладилар. Учинчи хитобдан кейин уйнинг бир томонига қизлар, бир томонига йигитлар қарама-қарши ўтирадилар.

Янгалар: - Қўшгани билан қўша қарисин! – деб фотиҳалар қиладилар. Шундан сўнг, қизлар лапарни бошлаб беришади.

Лапарни ким бошлади,
Аввал баҳор бўлмай туриб.
Сабзани ким кўтарди,

¹ Сафаров О. Ўраева Д

Илк саҳар бўлмай туриб.⁸

Кўриняптики, Абдурауф Фитратнинг лапар ҳақидаги илмий мулоҳазалари кейинги даврда у ҳақда билдирилган фикрларга ҳар томонлама мос келмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фитрат “ашула” деганда, ўзбек фольклорининг энг кенг тарқалган, оммавий жанрларидан бири “қўшиқ”ни назарда тутган ва ўзбек халқ қўшиқларига хос жанрий хусусиятлар билан таништиришга уринган. Фитрат халқ қўшиғи ҳақидаги назарий қарашларини тасдиқлаш мақсадида мисоллар келтириб, уларни таҳлил қилган. Аммо у халқ қўшиқлари хусусида умумий фикр юритган, холос. Уларнинг кўпроқ вазни масаласига тўхталган. Энг муҳим масалалардан бири саналган, мавзуй турларига кўра фарқланишига эътибор қаратмаган.

II.2. Фитрат эртак ва дostonлар ҳақида

Фитрат ўзбек халқ оғзаки ижодидаги эпик жанрларнинг энг салмоқлилари – эртаклар ва дostonлар ҳақида ҳам тўхталиб, уларнинг жанрий табиати хусусидаги мулоҳазаларини баён этиб ўтган.

Эртак жанри неча минг йиллик тарихга эга. Халқ оғзаки ижодининг бу жанри Фитрат қарашларида ҳам “эртак” деб юритилган. Фольклоршунос олимларнинг эътирофи бўйича, эртак энг қадимий жанрлардан биридир. У ўтмишда ибтидоий аجدодларимизнинг мифологик дунёқараши, қадимий урф-одатлари, маросимлари асосида пайдо бўлган. Эртакларда, одатда, халқнинг маиший турмуши ва олижаноб инсоний фазилатлар ҳақидаги орзу-ўйлар ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар воситасида баён этилади. Қадимда одамлар оддий воқеаларни бир-бировига баён

⁸ Маматгул Жўраев. Ой олдида бир юлдуз. 109 – бет

килиб берганидан эртак намуналари пайдо бўла борган. Ҳар хил илоҳий деталларга ишониш эртакларга фантастик руҳ бағишлаган. Ўтмишда эртак айтишнинг ўз мавсуми бўлган. Айтувчилик қобилиятига эга кишилар, яъни ёши улуг инсонлар эртак ҳикоя килиб берганлар.

Эртак умумфольклор ҳодисаси сифатида энг қадимий эпик жанрлардан бўлиб, Маҳмуд Қошғарий ўз “Девону луғотит турк” асарида туркий халқларда унинг “этук” атамаси билан юритилганини қайд этади. Унга кўра, этук “бирор воқеани оғзаки баён қилиш”ни англатади. Бироқ жонли сўзлашувда Ўзбекистоннинг турли жойларида, чунончи, Наманган вилоятининг Жанубий қисмида “эртанги” деб юритиладиган бу ҳодиса – эртанги бўлиб ўтган, қадим замонлардан қилинажак ҳикоя маъносини англатса, Самарқанд, Фарғона ва Сурхандарёда бу ҳодиса – матал, Хоразмда – варсақи, Бухорода – ушук, Тошкентда – чўпчак яна бошқа бир масканларда ҳикоя, ҳикоят, оғзаки ҳикоя, ўтрик ёки ўтирик, афсона деб юритилса-да, фольклоршуносликда эртак илмий истилоҳи қабул қилинган ва муҳим муомалада бўлиб, руслардаги “сказка” истилоҳига тенг эквивалентга айланган. Зеро, Алишер Навоий асарларининг қадимги луғати саналовчи “Абушқа”да ҳам эртак истилоҳи учрайдики, бу истилоҳ узоқ ўтмишда бўлганини ҳам таъкидлайди.⁹ Эртакларнинг тузилиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Фитратнинг эртак ҳақидаги қарашларига тўхталадиган бўлсак, у бу хусусда қуйидагиларни баён этади: «Эл адабиётидаги ҳикояларга эртак дейиладир. Эртак эл шоирларининг хаёллари ёрдами билан тузуладир. Булардан бири Абубакр Девоев имзоси билан нашр этилган “Эркисиз фолчи” эртагидир. Ўлкамизнинг энг зарарли қуртларидан бўлган фолчи-дуохонларга жуда чиройлик

⁹ Safarov O., O'rayeva D. O'zbek xalq og'zaki badiiy ijodi. (II qism), Buxoro, 2006.

этиб кулгани учун муҳумдур. Бу чиройлик эртақнинг қисқача мазмуни мана шундайдир¹⁰, - деб таъкидлайди.

Шундан сўнг Фитрат ушбу эртақнинг мазмуни билан таништиради: “Бир чолнинг хотини ҳаммомга ювинишга боради. Бир вақт подшоҳнинг фолчисининг хотини ҳаммомга келади. Кампирни ярим ювинган ҳолда чиқарадилар. Кампир чолга қараб: “Нега сен подшоҳнинг фолчиси эмассан” – деб эри билан уришади. Чол фолчилик асбобларини олиб, бозорга боради. Подшоҳнинг амалдорлари узоқ бир вилоятнинг солугини йиғиб хачирларига юклаб келаётганда, йўлда бир хачир олтунни йўқотиб, подшоҳга хабар берадилар. Подшоҳ ҳалиги чолни чақиради, бир хачир олтунни топиб беришини сўрайди. Умрида ҳеч фолчилик қилмаган чол нима десин! Хачирнинг йўқолган жойини тахмин айтади, тахмини эса тўғри чиқади. Яна бир кун подшоҳнинг хазинасини ўмарган одми топиб боради. Шундан сўнг, у фолчилар бошлиғи бўлади. Чол ёлғон фол очишини билишларидан кўрқиб, бир фикрга келади. Ўзини девонадек тутиб, ҳаммомдан яланғоч ҳолатда чиққанча подшоҳ олдига боради. Подшоҳнинг тахтидан тортиб тушириб юборади ва ўша аснода тахт айвончаси қулайди. Муғомбир чол минг баҳоналар билан қутулиб қолади. Шундай қилиб ахлоқ хон чолни бир умр саройда олиб қолади.

Фитрат эртақ табиатини шу тарзда тушунтирар экан, фикрини халқ эртагидан мисол келтириш билан далиллашга уринади.

Эртақлар инсонлар ахлоқ, одоб, тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши сабаб, Фитрат унга алоҳида эътибор қаратган.

Фитрат **достонлар** ҳақида ҳам ўз қарашларини баён этган. У бошқа фольклор жанрлари қаторида достонни ҳам четда қолдирмаган. Фақат у: “Достон – бу, асосан, эртақдир. Бироқ ўзининг қаҳрамонларининг бўлуши, узун ҳам кенглиги, соф тизим ёки тизим-сочим

¹⁰А. Фитрат. Адабиёт қоидалари.

аралашлиги, бахшилар томонидан чолғи билан айтилиши билан эртақлардан айриладир” деб ёзади.

Кўриняптики, Фитрат достон ва эртақларнинг табиатан яқинлигини билдирмоқчи бўлган. Айни пайтда уларнинг бошқа-бошқа жанр эканлигини ҳам унутмаган.

Дарҳақиқат, Фитрат таъкидлаганидек, “достон улуғ воқеаларга аралашкан қаҳрамонларнинг қилган ишларини тасвир қиладир. Тартиб эткучилари, айтиб бергучилари «бахши» аталган эл шоирларидирлар. Достон нукул тизим бўлгани каби тизим-сочим аралаш ҳам бўладир”.

Демак, Фитрат ўз кузатишлари асосида достонларнинг эртақларга қараганда эпик кўламдорлигини, ҳажми катта бўлишини, асосан, бахшилар томонидан соз воситасида ижро этилишини илғаган. Айни пайтда яна унинг шеърӣ ва насрий қисмлардан тузилишини билган. Шулар асосида у достон ва эртақ жанрларини фарқлаб кўрсатган.

Фитрат достон жанрига мисол тариқасида ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш”дан парча келтиради. “Бу достонлардан бири – эл адабиёти йўлида тиришгучиларимиздан ўртоқ Ғози Олимнинг 1922 йилда Тошкент ва Самарқанд уездларида яшайтурган узбекларнинг машҳур оқинлари – Ҳамроқул бахши ва Фозил жиров Йўлдош ўғлининг оғзидан ёзиб олгани «Алпомиш» достонидир”, - дейди у ва мисол келтиради:

Ўн олти уруқ Кунгирот элида Довонбий деган ўтди. Довонбийдан Олтинбий деган пайдо бўлди... деб қисқа, жумласи очик, фасих бир сочим билан бошланган бу достон сочим, тизим аралаш достонлардандир.

Шундан сўнг олим достон қаҳрамонлари ва унинг етакчи сюжет воқеалари ҳақида маълумот беради: “Достоннинг қаҳрамонлари Бойбўрининг ўғли Алпомиш, Олпон билан Бойсарӣ қизи Барчинойдир. Алпомишнинг мусулмонча оти Ҳакимбекдир. Ўзи мадрасада таҳсил кўрадир. Бир кун отасига закотдан маълумот берадир. Отаси Бойбўри Бойсарининг молидан закот талаб қиладир. Бойсарӣ акасига закот бермайдир. Кўнгирот элидан кўчадир. Мусулмон бўлмаган қалмоқ юртига бориб, қўнадир. Ондаги

ботурлардан Қоражон билан Кўкалдош унинг қизи Барчинойга ошиқ бўладирлар, уни олмоқ истайдир: бу хабарни эшиткан Алпомии ўзининг севгилисини қутқармоқ учун отланиб чиқадир. Воқеа шунинг теграсида юрадир.

Фитрат дostonда қайси ўринда насрдан, қайси ўринда назмдан фойдаланилганлигини ўз илмий кузатишлари асосида куйидагича баён этади: “Дostonда қаҳрамонларнинг ўзаро сўзлари тизим билан борадир. Бахши буларнинг қаёққа борганларини, нималар қилганларини сочим билан айтадир. Сочимлари енгил, очиқ, қулай онглашиларликдир. Сўзнинг табиий боришини бузмасдан, ора-сира сажълар ясайдир. Баъзи жойларда сочимлар ярим тизим шаклини оладир: *Тўқсон отни Йўқсон ботур минади. Жарашига жияк совут кияди. Эрта билан намоз вақти бўлганда Бойсарининг овулина келади.*

Хатто Фитрат дostonдаги шеърий парчаларнинг вазни, қофия тизимини ҳам эътиборсиз қолдирмаган ҳолда шундай изоҳлайди: “Тизимлари бармоқ вазнидадир. Қофия тўғрисида эркин бир йўл тутилган. Қофияси бўлса ҳам белгили бир тартиб билан эмас. Қофиясиз мисраълари ҳам бор:

Кўкалдош:

– *Бойсари ака, эшит меним сўзимди,
Тўқсон полвон энг каттаси ўзимди.
Барчинойни тўқсон полвон талади,
Олиб чиққин Барчин деган қизингди,
Барчиной сайласин, бўлсун анга бош.*

Бойсари:

– *Айтканингга, эй Кўкалдош, кўнмайман.
Мол эмасман, ҳайвонингга юрмайман.
Барчинойнинг Алпомиидай эри бор,
Ул турганда сенга қизим бермайман.
Алпомиишим бу чоғда ёшдир,
Ёш бўлса ҳам Кўнгирот элига бошдир,*

*Бу сўзинг эшитса Олпон келади,
Қасд айласа Олпон элинг олади.
Тўқсонингга қирқ кун қирғин солади.
Бир Барчин деб солса бошингга балони,
Бир Барчин деб қир(қ) Барчининг олади.*

Муҳими шундаки, Фитрат фақат “Алпомиш” достони эмас, балки бутун ўзбек халқ достончилигининг бетакрор намуналари, уларга хос хусусиятлар борасида ҳам тўхталишга уринган. Жумладан, у бу ҳақда шундай ёзган: “Бундан бурун ҳам ёзишга ўтқарилган эл достонлари бизда кўбдир: «Санавбар», «Тоҳир-Зухра», «Баҳром-Гуландом». Хивалик Нурмуҳаммад Андалибнинг «Юсуф-Зулайҳо» ҳикояси шу йўсинда ёзилган, ҳатто босилган эл достонларимиздандир. (Буларнинг ҳаммаси сариқ қоғозда, ёмон янглиш, ўқулмас ёзий (ёзув) бирла тошбосмада босилган, текширишқа ярамайдир. Илмий марказимиз ҳиммат қилса-да, шуларнинг ҳаммасини йиғиб, тузатиб, бостирилса).

Кўриняптики, Фитрат ўзбек халқ достонларини тезроқ ёзиб олиб, халқ мулкига айлантириш йўлида алоҳида жонкуярлик ва жонбозлик кўрсатиб, бунга ҳаммани жалб қилишни ўз инсоний бурчи деб англаган маърифатпарвар шахслардан бири бўлган.

Олим бу достонларнинг энг муҳими «Аҳмадбек», «Юсуфбек» достонлари эканлигини алоҳида қайд қила туриб, “шу достонларнинг-да ҳаммаси сочим-тизим аралашдир. Сочимларида «Алпомиш» достонида бўлган фасиҳлик йўқдир. Сабаби булар(ни) бахшилар айтқонча ёзилмай, у замонги ёзиш йўлларига эргаштирилгани бўлса керак. Тизимлари юқорида ашула шаклида кўрганимиз тўртликлардан тузулган” дея уларнинг бадиияти ҳақида муҳим маълумот бериб ўтади ва қуйидаги парчани мисол келтиради:

*Язидлардин огир лашкар келибдир,
Юсуфбекка йўқ савдолар солибдир,
«Валлоҳ, аълам» Юсуфбек қул бўлубдур,
Туринг, беклар, айриб олай жсонимни.*

*Бизни йўқлаб кўздин ёшни тўкмасун,
Банди бўлуб, марднинг кўнгли чўкмасун,
Эй йигитлар, бизнинг бўлмасун,
Туринг, беклар, айриб олай жонимни.*

*Амирбекнинг онгланг энди сўзини,
Ақлингизга келиб онгланг тўғрини,
Худо ёр бўлса бир қирсоқ кофирни,
Туринг, беклар, айриб олай ёримни.*

Бу йўсиндан бошқа, эски ғазал шаклида қатор қофия била ёзилган (эл) тизмалари ҳам бор.

Фитрат халқ достонлари ҳақида “буюк воқеаларга аралашқон қаҳрамонларнинг бошидан ўтказганларини тасвир этиб ёзилган шоирона асарларга *достон* дейилади” деган таърифни беради ва уларни “тўртка ажратмоқ мумкиндир” деб, достонларнинг қуйидаги таснифини келтиради: 1) қаҳрамон достонлари; 2) классик достонлар; 3) тақлидий-классик достонлар; 4) янги замон достонлари.

Маълумки, “достон” сўзи қисса, ҳикоя, саргузашт, шону-шуҳрат, таъриф ва мақтов маъноларида ишлатилади. Адабий атама сифатида бу ном халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Бироқ улар ҳаётни тасвирлаш воситалари ва усуллари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Достонлардаги тарихий воқелик халқ фантазияси асосида умумлашган тимсолларда ўз ифодасини топади. Унда умумлаштиришнинг ўзига хос кўриниши – эпик умумлаштириш ҳукмронлик қилади. Бундай умумлаштириш халқнинг ижтимоий адолат ҳақидаги идеаллари ва орзу-умидлари билан йўғрилган. Ўзбек халқ достонлари жуда узоқ тарихий тараққиёт босқичини

босиб ўтган. Достонлар кўп асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб, халқ бахшилари орқали бизгача етиб келган.

Ўзбек халқ достонлари ниҳоятда кўп турларга бўлиниб, узоқ асрлар куйланиб келинган. Достонлар дастлаб В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарипов, кейинчалик М.Саидов томонидан тасниф қилинди. Ўзбек халқ достонлари қаҳрамонлик, жангнома, тарихий, романтик ва китобий достонларга бўлинади.

Қаҳрамонлик достонлари ўзбек халқ достончилиқ тараққиётида қаҳрамонлик ва романик достонлар алоҳида ажралиб туради. Қаҳрамонлик достонлари кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёти билан маҳкам боғлиқдир. Бир қатор уруғ ва қабилаларнинг муайян халқ сифатида ташкил топа бориши, илқ давлатчилиқ куртакларини пайдо бўлиши ва у муносабат билан халқлар ва элатларнинг ўз мустақилликлари учун чет эл босқинчиларига қарши мардонавор курашлари қаҳрамонлик достонлари учун бой материал бўлади. Қаҳрамонлик достонлари бизгача соф ҳолда “Алпомиш” тимсолида етиб келган.

Жангнома достонлар. Тарихий ва афсонавий урушларда шахсларнинг жасорати, қаҳрамонлигини тасвирловчи достонлар жангнома достонлар деб юритилади. Ислом дини Ўрта Осиё халқлари ўртасида ёйилаётган даврда «Жангномайи Або Муслим», “Жангномайи Амир Ҳамза” каби жангнома достонлар вужудга келди. Ўрта Осиёда кенг тарқалган жангномаларнинг қадимги турларига Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ва “Жангномайи Жамшид”, “Хушанг”, “Тўмарис” қабиларни кўрсатиш мумкин.

Тарихий достонлар. Тарихда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган тарихий достонлар бахшилар репертуарларидан бошқа достонларга нисбатан кам ўрин эгаллайди. Бу типдаги достонларга «Ойсулув»,

“Шайбонийхон”, “Тулумбий”, “Намоз”, “Жиззах қўзғолони” каби достонлар киради.

Романик достонлар. Ўзбек халқ достонларининг энг катта тури романтик достонлардир. Бу турга кирувчи достонлар сюжетлари ниҳоятда бир-бирига ўхшаш бўлиб, одатда, қаҳрамон гўзал қизга ошиқ бўлиб сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни бошидан кечиради, қийинчиликларни енгиб ўз мақсадига эришади. Достон воқеалари ҳашаматли саройларда, сеҳрли боғларда, бозорларда, тилсимли қўрғонларда, ер ва сув ости йўлларида кечади. Бу турдаги достонларнинг мавзуси, тимсоллари, мазмуни ўзга хос хусусиятларга эга ва мустақилдир. Бу турдаги достонларга «Рустамхон», “Якка Аҳмад”, “Гўрўғли”, “Соҳибқирон”, “Орзигул”, Эрали билан Шерали” киради.

Китобий достонлар. Ўзбек бахшилари репретуаридан мустаҳкам ўрин олган эпик асарларни махсус бир турини, мумтоз поэзия намуналарини бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзага келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарлар китобий достонлар дейилади. Масалан, «Фарход ва Ширин», “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Вомиқ ва Узро”, “Рустами Достон”, “Маликайи Дилором”, “Тоҳир ва Зухра” ва Алишер Навоий достонларини келтириш мумкин.

Ҳозирги кунда фольклорга оид халқ достонлари устида иш олиб бориляпти. Бунга мисол қилиб, Орзукул Ҳамроевнинг “Алпомиш” достони Фитрат талқинида” мавзуси остида эълон қилган мақоласини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

“Алпомиш” достони ўзбек халқининг асрий орзу-умидларини ифода этувчи, ўзлигини кўрсатиб берувчи миллий эпосдир. Достонни ўқишга киришган оддий китобхон ҳам асар воқеалари

тизимида миллий қиёфа ва характер акс этганини кўради. Асарда содир бўлаётган ҳодисаларнинг моҳиятини яхши англайди. Бунинг асосий сабаби эса дoston моҳиятига, ҳар бир бўлагига ўзбек менталитетининг сингиб кетганлигидир.

Ана шу боис ҳам Абдурауф Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” асарида ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижоди намуналарини фарқлашда “Алпомиш” достонининг айна шу хусусиятини эътироф этади.

Достонни илмий тадқиқ этиш борасидаги изланишлар у ёзиб олинган йиллардаёқ бошланган эди. Бугунги кунга қадар унинг жуда кўплаб вариант ва версиялари мавжуд бўлса-да, уларни ягона моҳият, ўзак ва мазмун бирлаштириб туради.

Фитрат ўз даврида биринчилардан бўлиб адабий парчаларни ўз ичига олган “Ўзбек адабиёти намуналари” номли хрестоматия (мажмуа) яратган. Бу мажмуада “Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғли, Ҳамроқул ва Берди бахши вариантларидан намуналар келтирилган, достоннинг бош ва охириги қисмларидан парчалар киритилган.

Достоннинг бошланғич қисми даставвал Ғози Олимнинг Ҳамроқул бахши ва Фозил Жировдан ёзиб олган варианты сифатида ўз даврида “Билим ўчоғи” журналида нашр этилган. Қадимги қаҳрамонлик эпосининг энг яхши хусусиятларини ўзида сақлаб қолган Булунғур достончилиқ мактабининг истеъдодли вакили Фозил Йўлдош ўғлининг “Алпомиш” достони ўхшатиш ва қочиримларга бойлиги, эпик мазмуннинг тўлиқлиги, юқори бадий маҳорати билан бошқа вариантлардан ажралиб туради. Шу боис ушбу вариант бугунги кунда достоннинг асосий қабул қилинган варианты сифатида олий ўқув юртларида, ўрта таълим муассасаларида ўқитиб келинмоқда.

“Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғли томонидан 1922 йилда илк бор ёзиб олинган қисми йўқолган. Шу муносабат билан у ҳақда тўлақонли фикр юритиб бўлмайди. Достон 1928 йилда қайтиб ёзиб олинган. Изланишлар шуни кўрсатадики, аввалги қўлёзмадаги матн сақланиб қолинган. Улар ўртасидаги фарқ 1928 йилда ёзиб олинган вариантда тасвирнинг кенгайиши, мисраларнинг қисқариши, уларнинг бошқача талқин қилиниши, диний тушунчаларнинг камайиши билан изоҳланади.

Шундай қилиб Фозил Йўлдош ўғлининг “Алпомиш” достони варианти ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан етук бўлиб, бошқа вариантлар орасида энг мукаммали ҳисобланади. Бу ҳолат достоннинг бошқа вариантлари билан қиёсий таҳлил этилганда янада яққол кўзга ташланади.

Фитрат ўз мажмуасида достоннинг бошланғич қисмини Фозил Йўлдош ўғли вариантидан келтиради. Бу вариант мустақиллик йилларида Ҳоди Зариф ва Тўра Мирзаев таҳрири остида нашр этилди. Ушбу нашр ва Фитрат мажмуасида келтирилган парчалар ўзаро қиёсий ўрганилганда, уларнинг асосан бир хил эканлигини кўриш мумкин. Парчалар ўртасидаги ўзаро фарқ баъзи унли ва ундошларнинг ўзгариши, хусусан жарангли ундошларнинг жарангсизлашиши ҳамда матннинг жуда кўп ўринларда қисқартиришлар билан берилишида кўзга ташланади. Масалан, Фитрат мажмуасидаги *уруқ, Довонбий, ўтти, тўйга, чўпрон* каби сўзлар 1998 йилги нашрда *уруғ, Добонбий, ўтди, тўйга, кўнгли, чўфурон* шакллари келтирилади. Фитрат мажмуа тузиш қондасидан келиб чиқиб, матнларни катта ҳажмда қисқартириб, воқеа ҳодисаларнинг асосини англатувчи парчаларни келтиради, холос. Мажмуада достоннинг бошланишида бийларнинг фарзандсизлиги воқеаларидан тортиб то Бойсарининг закот сабабли қалмоқлар юртига кўчиб кетиши давригача бўлган матнлар келтирилади.

Шеърӣ парчаларнинг аксарият қисми ҳам қисқартириб берилган, Бойсин-Қўнғиротнинг қалмоқ элига жўнаш тасвири тушириб қолдирилган, мажмуадаги парчалар қалмоқ деҳқонларининг шоҳ Тойчахонга арз қилиш воқеалари билан якунланади.

Фитрат мажмуасида келтирилган парчаларнинг 1998 йилги нашр билан айнан бир хил эканлигига олимнинг “Адабиёт қоидалари” асарида дostonдан келтирилган мисолларни кузатиш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, олим сажъ санъати ҳақида фикр юритар экан, дostonдан шундай мисолни келтиради: *“Ўн олти уруғ Қўнғирот элида бир чўпон тўй бўлди. Бийлар тўйга келди, бийларнинг отини ушламади, кўнглини хушламади”*. Яна бир ўринда эл адабиёти намуналарини изохлар экан, дoston жанри хусусида кенг маълумот бериб ўтади. Олим айни шу ўринда дostonнинг 1922 йили ёзиб олинган вариантини тилга олади, кейинги нашр (1928) хусусида тўхталмайди. *“Бу дostonлардан бири – эл адабиёти йўлида тиришгучиларимиздан ўртоқ Ғози Олимнинг 1922 йилда Тошкент ва Самарқанд уездларида яшайтургон ўзбекларнинг машҳур оқинлари – Ҳамроқул бахши ва Ғозил Жиров Йўлдош ўглининг оғзидан ёзиб олгани “Алпомиш” дostonидир”*.

Бу далилга асосланиб, Фитрат ўз мажмуасида Ғозил Йўлдош ўглининг 1922 йили ёзиб олинган ва йўқолган қўлёзмадан фойдаланган, деган хулосага келиш мумкин.

Фитрат мажмуадаги дostonнинг бошланғич қисмидан берилган парчалар Ғозил Йўлдош ўғли ва Ҳамроқул бахшидан ёзиб олинган, деб таъкидлайди. Бироқ ушбу парчалар Ғозил Йўлдош ўғли вариантининг айнан ўзидир.

Ҳамроқул бахши вариантининг тўлиқ матнига эга эмасмиз. Ундай айрим парчалар, юқорида айтилганидек, Ғози Олим Юсупов томонидан “Билим ўчоғи” журналида нашр эттирилади. Аммо шу

парчага қараб ҳам Ҳамроқул бахши яхшигина дostonчи бўлганлиги, унинг “Алпомиш”и dostonнинг тузук вариантларидан эканлигига ишонч ҳосил қилса бўлади.

Бу парчада Бойсари бошлиқ ўн минг уйди қўнғиротликларнинг моллари қалмоқ деҳқонлари экинларини еб кетиши, деҳқонларнинг Тойчихонга арз қилиши, Сурхайл кампирнинг совчилари, алпларнинг Барчин учун ўзаро талашишлари ва Бойсариникига совчиликка боришлари, Барчиннинг Қўнғиротга хабар юборишидан то Қалдирғоч маслаҳати билан йўлга чиққан Алпомишнинг мазоротда тунашигача бўлган воқеалар тасвирланади.

Бу парчадаги воқеалар баёни тасвирининг умумий йўналиши жиҳатидан Фозил Йўлдош ўғли вариантнинг шу ўринларига жуда ўхшашдир. Фарқ шу воқеаларни талқин қилишда, ифодалашда кўринади. Фитрат мажмуада dostonнинг ҳар иккала бахшидан ёзиб олинган вариантларидаги бир хил бошланғич қисмини келтиради. Демак, бундан Фозил Йўлдош ҳамда Ҳамроқул бахши вариантларининг бошланғич қисми айнан бир хил деган хулосага келиш мумкин.

Dostonнинг сўнгиг қисми Берди бахши томонидан айтилган вариант ҳисобланади. Ушбу вариант dostonчилик анъанасининг яхши хусусиятларини ўзида сақлаганлиги, шеърий мисраларнинг нисбатан бадий пишиқлиги билан ажралиб туради.

Унда самимий юмор ва ҳаётий комизмга ўта мойиллик сезилиб туради. Ушбу вариант ўзининг бадий мазмун моҳияти жиҳатидан ишқий-романик dostonларга яқин туради. Ўзига хос лиризм, чиройли тасвирлар, халқ қўшиқлари, шеърий безакларга мойиллик, баъзи тафсилотларни жимжимадор ишлаш Берди бахши услубининг асосий қирраларидандир.

1969 йилда нашр этилган ушбу достонда замона зайли билан жуда кўплаб диний эътиқодга оид ўринлар қисқартирилган. Бу ҳолатни достоннинг 1999 йилги қайта нашри билан солиштириш жараёнида яққол кўриш мумкин.

Фитрат ўз мажмуасида достоннинг сўнгги қисмини Берди бахши вариантыдан келтирилганини кўриш мумкин. Мажмуадан Алпомишнинг Товка ойим ёрдами билан зиндондан қутулиши ва Қалдирғочнинг нор боқиб юрган ҳолати акс этган парчалар кичик ҳажмда ўрин олган. Ушбу парчалар 1999 йилги нашр билан солиштирганда уларнинг айнан ҳар хил эканлиги кузатилади. Жузъий фарқли жиҳатлар, юқорида келтирилганидек, унли ва ундошлар ўзгариши ва матннинг қисқартириб берилишидадир.

Фитратнинг “Алпомиш” достонининг илк вариантлари киритилган мажмуасининг миллий урф-одат ва қадриятларни ўрганишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда, Абдурауф Фитрат ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг салмоқли, кенг тарқалган, анъанавий жанрларидан эртак ва достонлар хусусида алоҳида тўхталиб, уларнинг жанрий табиати, ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан очиб беришга эътибор қаратган. Муҳими, олимнинг у ҳақдаги қарашлари бу борада кейинчалик яратилган тадқиқотлар учун ўзига хос дастуруламал вазифасини ўтаган.

II.3. Фитратнинг паремик жанрлар (мақол, топишмоқ) тўғрисидаги қарашлари

Абдурауф Фитрат ўзбек халқ оғзаки ижодининг йирик ҳажмли жанрлари билан бир қаторда кичик ҳажмли жанрларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, у топишмоқ, мақол сингари паремик жанрлар хусусида ҳам ўз қарашларини баён этиб ўтган.

Абдурауф Фитрат топишмоқ жанрини шундай тавсифлар экан, уни “топишмоқ” деб эмас, “топишма” деб атайди ва у ҳақда шундай ёзади: “Баъзи нарсаларнинг отини айтмасдан сифатларини, белгиларини айтиб, бошқаларга топтиришга “топишма” дейилади. Эл орасида адабий ўйинлардан саналадир”. Шу мулоҳазалардан сўнг Фитрат жанр намунаси сифатида қуйидаги топишмоқларни мисол келтириб ўтади:

Қишда келар,

Ёзда кетадир. (Буғ)

Эшик орқасида бели боғлиқ гул ётадур. (Супурги)

Пак-пакана бўйи бор,

Етти қават тўни бор. (Суғон)

Олтита оёғи бор,

Иккита туёғи бор. (Тарози)

Ҳозирги фольклоршуносликда топишмоққа қуйидагича назарий таъриф берилади: “Топишмоқ маънавий ўйин намуналари доирасига кирса-да, бироқ оғзаки бадиий ижоднинг алоҳида ва мустақил жанри сифатида эътироф этилиб ўрганилмоқда. Ўзбекистоннинг турли жойларида уни турли атамалар билан аташ расмга айланган. Чунончи, Тошкентда жумбоқ, унинг атрофларида чўпчак ёки топ-топ, чўрчак, Бухорода шук ёки чистон, Фарғона водийсида топмача ёки масала, бошқа жойларда эса топ-топ матал, жумбоқ ёки жуммоқ тарзида номланган ҳолда юритилади: “топмача ва топишмоқ” истилоҳлари шу жанрга мансуб айрим намуналарда учрайди:

Топмачанинг ўзи қора,

Топмаганинг юзи қора.

“Топишмоқ” сўзи “топ” буйруқ феълига “иш-моқ” ясовчилари қўшилиши билан чигал, мураккаб, белги хусусияти яширин берилган бирор номаълум нарсани топиш мазмунини

ифодалайдиган ясама отга айланган. Табиат ва жамият ҳодисалари кишилар олдига кўп мураккаб жумбоқлар, муаммолар қўйган. Инсоннинг ўша масалаларни топиши, сирли бўлиб кўринган нарсаларнинг туб, ҳақиқий моҳиятини очиши учун ақл-идрок ва ўткир дид талаб қилинган.

Топишмоқлар оғзаки ижоднинг оммавий ва махсус жанрларидан бири. Уларинг услуби метафора, кўчим, киноя, қочириқ йўли билан сўзларни кўчма маънода ишлатиб, яширилган нарса, ҳодисаларнинг белгиларини қиёслаш, имо-ишора қилишдан иборатдир. Топишмоқларнинг шу хусусияти ҳақида қадимги юнон файласуфи Аристотелнинг “Жуда яхши метафора тузиш йўли”, дейиши бежиз эмас.

Топишмоқ айтиш қадимги замонлардан бошлаб турли халқларнинг ҳаёти, ижтимоий шарт-шароитлари, дунёқараши, урф-одатлари, мифологик тасаввурлари билан боғлиқ бўлган. Ўзбек халқи ҳам бошқа қардош халқлар каби куз ва қиш кечалари ғўза чувиш, чарх йигириш, олача тўқиш каби қўл меҳнати билан бажариладиган турли-туман ишлар давомида топишмоқ айтишган. Топишмоқ айтиш қайси бир халқда бўлмасин, у ақл-зийраклик мусобақаси, кўнгил очиш, ўйин-кулгу воситаси ҳисобланган. Топишмоқ айтиш, асосан, ёшларнинг сўз бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ҳодисалари ҳақидаги билим тушунчаси, идрок ва мулоҳазаларини кенгайтириш учун зарур тарбия воситаларидан бири бўлган.

Топишмоқларнинг моҳияти, маърифий-тарбиявий аҳамияти олам сирларидан кишиларни воқиф қилиш, билишга, шу билан бирга, инсониятнинг табиат ва ҳайвонот дунёси билан қадимдан узвий боғлиқлигини таъкидлаш, уларни севиш, ардоқлаш туйғуси ҳам яширинганидадир.

Топишмоқлар халқ оғзаки бадиий ижодининг қадимги тури сифатида ёзма адабиётга баракали таъсир кўрсатди. Шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида чистон, тарих, муаммо, мувашшах каби лирик жанрларнинг пайдо бўлишида лирик топишмоқлар муҳим рол ўйнайди. Ўз навбатида ёзма адабиёт ҳам жуда кўп топишмоқларнинг пайдо бўлиши ва эл орасида кенг тарқалишига сабаб бўлди.

Топишмоқлар бугунги кунда ҳам ёшлар зехнини ўткирлаштиришда, муҳокама доирасини оширишда муҳим маърифий-таълимий, тарбиявий аҳамиятга эга.

Абдурауф Фитрат халқ оғзаки ижодига мансуб мақол жанри ҳақида ҳам маълумот берар экан, тушунарли ва лўнда фикрни айтиб қўя қолади: “Элнинг кун кўрган, иш ўткарган синалишли қарилари томонидан айтилган ҳикматли, қисқа, маъноли гаплардирким, эл орасида “яшаш қонунлари” каби ҳукм суриб, тилдан тилга юрурдур”.

Эътиборли жиҳати шундаки, Фитратнинг мақол жанрига берган бу таърифи унга нисбатан берилаётган ҳозирги таърифдан жиддий фарқ қилмайди. Ҳозирда мақол халқ оғзаки ижодининг ихчам шаклга, аммо чуқур мазмунга эга бўлган, халқнинг кўп асрлик ҳаётий кузатишлари, тажрибалари асосида вужудга келган ҳикматли сўзи сифатида таърифланади.¹¹ Кўриняптики, мақолнинг Фитрат томонидан ҳам, ундан кейин етишиб чиққан олимлар томонидан ҳам айтилган таърифида, асосан, унинг халқ турмуш тажрибасида синовдан ўтган бўлиши, шаклан ихчам, мазмунан теран кўринишда оғиздан-оғизга кўчиб юриши бир хилда таъкидланмоқда. Фақат Фитрат таърифида мақолнинг “қарилар томонидан айтилади” деб кўрсатилишига қўшилиш бироз қийин. Чунки мақоллар каттаю кичик томонидан айтилаверади. Шунинг учун бўлса керак, мақолга нисбатан берилаётган ҳозирги таърифларда бундай таъкид учрамайди. Негаки,

¹¹ Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. Биринчи том. – Т.: Фан, 1988. – Б.85-98.

мақоллар, одатда, болаларга ёшликдан ўргатилиб борилади. Ҳатто ҳозирги пайтда бошланғич синфлар учун мўлжаллаб тузилган дарсликларга ҳам мақол намуналари кўплаб киритилган.

Шу таърифдан сўнг у қуйидаги мақолларни жанр намунаси сифатида кўрсатиб ўтади:

Синамаған отнинг сиртидан ўтма.

Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.

Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин.

Чумчукдан кўрккан тариқ экмас.

Оч қорним – тинч қулоғим.

Ўз уйим – ўлан тўшагим.

Бўзчи белбоққа ёлчимас.

Мулла билганин ўқир, товук кўрганин чўқир.

Ётиб қолгунча – отиб қол.

Оғзи қийшиқ бўлса-да бой боласи сўзласин.

Мисол келтирилаётган ушбу мақолларнинг ҳар бири бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган бўлиб, фольклорда ихжам шаклилиги, аммо теран мазмунга эгалиги билан алоҳидалик касб этади. Шунингдек, ҳар бири тилимиз кўркини, нутқимиз нафосатини, ақл-фаросот ва тафаккуримиз мантиқини ҳайротомуз бир қудрат билан намойиш этган ва эта оладиган бадиият қатралари сифатида эътиборни тортади. Улар халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бимисоли бир ойнасидир. Бу бадиий ойнада халқнинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий, ахлоқий эстетик ва фалсафий қарашлари, қисқаси ўзи ва ўзлиги тўла намоён бўлгандир. Шунинг учун ҳам мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, асрлар

давомида жонли сўзлашув ва ўзаро нуткий муносабатларда, бадий, тарихий ва илмий асарларда, сиёсий ва публицистик адабиётда доимий равишда қўлланиб келган ва қўлланилмоқда.

Мақолларга илк бор XI асрнинг улкан тилшунос олими, фольклоршунос ва этнограф Маҳмуд Қошғарий эътибор қаратиб, тўплай бошлаган. Унинг бу борадаги тўпловчилик фаолияти “Девону луғотит турк” асари мисолида ёрқин кўзга ташланади. Ушбу асарда турли муносабатлар билан туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400га яқин мақол ва маталлар ҳам келтириладики, уларининг аксарияти бугун ҳам айрим ўзгаришлар билан тилимизда муваффақиятли равишда ишлатилмоқда.

Мақол, матал, масал, зарбаулмасал, нақл, ҳикмат, ҳикматли сўз, танбех, машойихлар сўзи, донолар ёки донишмандлар сўзи, оқинлар сўзи ва оталар сўзи атамалари билан эл орасида юрган бу жанр намуналари ғоят оммавий бўлиб, умумфольклор ҳодисаси ҳисобланади.

Мақол арабча “қаввала” сўзидан олигнан ва “айтмоқ, сўзламоқ” маъноларини англатади. Бироқ Фитрат мақол сўзи ўрнида кўпинча “эл сўзи” атамасини қўллаган.

Мақоллар ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаларини замонлар оша етказишда маънавий кўприк бўлиб, авлодларнинг бир-бирига боғланишида беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Абдурауф Фитратнинг мақоллар ҳақидаги қарашлари, айрим илмий кузатишлари ва хулосалари уларнинг жанрий табиатини ўрганишда, мазмуни ва тузилишида рўй берган ўзгаришларни аниқлашда муҳим аҳамият касб эта олди.

ХУЛОСА

Абдурауф Фитратнинг арузшунос, моҳир тадқиқотчи наср ва назмда, шунингдек драматургияда калами ўткир ижодкор, умуман серқирра истеъдод эгаси экани у қолдирган ижодий мерос салмоғидан бизга маълум. Мисол тариқасида “Аруз ҳақида”, “Адабиёт қоидалари”, “Танланган асарлари”, “Мунозара”, “Сайёҳи ҳинд”, “Сайҳа”, “Ҳин ихтилолчилари”, “Темур сағанаси”, “Ўғизхон”, “Або Муслим”, “Турк тили”, “Чин севиш”, “Тўлқин”, “Восъе қўзғолони”, “Ўзбек шоирлари”, “Абулфайзхон”, “Қиёмат”, “Шатоннинг тангрига исёни” каби ўнлаб илмий, бадий, тарихий асарлари чоп этилган. Бу қаторни узундан-узоқ давом эттириш мумкин.

Фитрат адабиётшунос, шоир, этнограф, драматург, ўқитувчи, публицист, журналист сифатида ном қолдирган. Бироқ унинг халқ оғзаки ижоди, яъни фольклорга оид қарашлари ҳам алоҳида эътиборни тортади. Жумладан, у “Адабиёт қоидалари” китобида халқ оғзаки ижодидаги бир қанча жанрлар хусусида махсус тўхталиб, уларнинг хусусиятлари ҳақида ўз илмий қарашларини баён этган.

Фитрат халқ қўшиқларини “ашула” деб атаб, уни мисоллар асосида тушунтиришга ҳаракат қилган. Шунингдек, лапар, эртак, топишмоқ, мақол, дoston каби жанрларга ҳам ўз муносабатини билдирган.

Хуллас, Абдурауф Фитрат тилдан тилга ўтиб келаётган халқ ижоди жанрларига эътибор қаратиб, уларни тўплашга, табиатини тушунтиришга ҳаракат қилган. Шундан келиб чиқиб, унинг фольклоршуносликка муайян даражада ўз ҳиссасини қўшганлигини эътироф этиш мумкин.

Фитрат халқ оғзаки ижодининг ашула, эртак, мақол, топишмоқ, лапар, дoston каби жанрларини қисқача таърифлайди. У эл адабиётининг поэтик хусусиятларини вазн ва қофия тузилиши, ижро усулларида келиб чиқиб баҳолайди.

Фитратнинг бу борадаги қарашларида жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигининг назарий тажрибалари таъсирини сезиш мумкин. Энг муҳими, Фитрат талқинида фольклор ўзига хос назарий масала сифатида ўрганилган.

Фитратнинг ўзбек фольклори жанрлари ҳақидаги илмий қарашлари бу борадаги кейинги тадқиқотлар учун ўзига хос дастуруламал вазифасини ўтай олганлиги, уларнинг нечоғлик муҳим ва аҳамиятлилигини асослайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 686 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 178 б.
3. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 432 б.
5. Адабиёт назарияси. 2-жилд. – Т.: Фан, 1979. – 197 б.
6. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – 300 б.
7. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. – Т.: Академия, 2000. – 630 б.
8. Асқаров С. Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973. – №1. – Б.19-22.
9. Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. – 70 б.
10. Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. – Т.: Фан, 2004. – 157 б.
11. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жади́дчилик. Илмий-тадқиқий мақолалар. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 285 б.
12. Болтабоев Ҳ. Қадимги туркий манбалар Фитрат талқинида. Сўзбоши // Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Т.: Мумтоз сўз, 2008. – Б.3-9.
13. Йўлдошев Н. Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” (“Қутқарув йўли”) асаридан мухтасар фасллар. Услубий қўлланма. – Бухоро, 1996. – 77 б.
14. Жади́дчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Туркистон ва Бухоро жади́дчилиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам №1. – Т.: Университет, 1999. – 220 б.

- 15.Жўраев М. Фольклоршунослик асослари.: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2009. – 192 б.
- 16.Жўрақулов У. Худудсиз жилва. Илмий-адабий мақолалар. – Т.: Фан, 2006. – 203 б.
- 17.Каримов Б. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Т.: Университет, 2000. – 104 б.
- 18.Каримов Б. Янгиланиш соғинчи. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашриёти, 2004. – 80 б.
- 19.Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Т.: Маънавият, 2000. – 88 б.
- 20.Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 532 б.
- 21.Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. Т.1.– Т.: Фан, 1960.– 495 б.
- 22.Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор анъаналари. Фольклоршуносликдан ўқув-услубий қўлланма. –Т.: Истиқлол, 2005.– 83 б.
- 23.Саидов Ё.С. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2001. – 24 б.
- 24.Саримсоқов Б. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига доир изланишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. – № 5. – Б.85.
- 25.Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917). Тузувчи Н.А. Абдуазизова. – Т.: Академия, 2000. – 238 б.
- 26.Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.82-83.
- 27.Фитрат А. Нажот йўли. – Т.: Шарқ, 2001. – 175 б.
- 28.Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари.– Т.: Мумтоз сўз, 2008.– 124 б.
- 29.XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
- 30.Чўлпоннинг бадиий олами. – Т.: Фан, 1994. – 130 б.

- 31.Шарафуддинов О. Абдурауф Фитрат ва “Ҳинд сайёҳи” қиссаси // Сардафтар саҳифалари. Мақолалар, хотиралар. – Т.: Ёзувчи, 1999. – Б.114-147 б.
- 32.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. IV жилд. – Т.: ЎЗМЭ, 2008. – 608 б.
- 33.Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б.463.
- 34.Қосимов Б. Фитрат // Маслакдошлар: Бехбудий, Ажзий, Фитрат. – Т.: Шарқ, 1994. – Б.69-156.
- 35.Қосимов Б. Абдурауф Фитрат // Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 349-373.
- 36.Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш. Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик.– Т.: Маънавият, 2004. – 462 б.
- 37.Қўшжонов М. Абдулла Қодирий эрксизлик қурбони. – Т.: Фан, 1993.– 96 б.
- 38.Ғаниев И. Фитрат. Ўтиқод. Ижод. – Т.: Камалак, 1994. – 152 б.
- 39.Ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. – Т.: ҒАҲН, 1994.
- 40.Ғаниев И. Фитрат ва фитратшунослик. – Т.: Фан, 2005. – Б.71.

Мундарижа

Расмий қоғозлар.....	1-2
Кириш.	3-7
I БОБ. АБДУРАУФ ФИТРАТ – СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ.....	8
I.1. Фитрат ижодий изланишларининг серқирралиги....	8-12
I.1. Фитратнинг халқ оғзаки ижоди хусусиятлари тўғрисидаги қарашлари.....	13-24
II БОБ. ФИТРАТНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ЖАНРЛАР ТАРКИБИГА ОИД КУЗАТИШЛАРИ.....	25
II.1. Фитрат халқ қўшиқлари (ашула, лапар) ҳақида.....	25-32
II.2. Фитрат эртак ва дostonлар ҳақида.....	32-46
II.3. Фитратнинг паремик жанрлар (мақол, топишмоқ) тўғрисидаги қарашлари.....	46-51
Хулоса.....	52-53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54-56